

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МИЛЛИЙ РАҚС ВА
ХОРЕОГРАФИЯ ОЛИЙ МАКТАБИ**

“Санъат назарияси ва тарихи” кафедраси

**ХАЛҚ ИЖОДИЁТИ
фанидан
Маъруза матнлари**

Ўқитувчи: Иманкулова И.М.

2016 йил

КИРИШ

Ўзбек халқининг огзаки ижоди хилма-хил мавзу ва жанрлардаги асарларга - макол, топишмок, эртак, латифа, кўшиқ, лапар, аския ва достонларга бой. Улар уз мухтасарлиги, кизикарлиги, равонлиги, охангдорлиги, пандномалиги (дидактиклиги), гоаявийлиги билан гоаятда муҳим тарбиявий аҳамиятга эга.

Эрамиздан олдинги иккинчи минг йилликда пайдо булган, ХУ1 асрга кадар Узок Шарк, яъни Хитой, Японияни Урта Осиё билан боглаган «Ипак йули» факат савдо, сиёсий-ижтимоий ва маданий алока йули ҳам булди, мамлакат, шаҳарлар халқларининг, жумладан, Урта Осиё ва Эрон, Туркия халқлари мусика маданиятининг ривожиди муҳим аҳамият касб этди.

Х1-ХП асрларда ўзбеклар Мовароуннахрда асосий аҳолии сифатида таркиб топди, уша даврда «турк тили» деб ном олган узбек тили адабий тил хусусиятига эга булди. Бу даврда мусика санъати ҳам юксалиб Абухафиз сугдий найга монанд Шохруд номида асбоб ясади, халқ куйлари асосийда «Рост», «Хусравоний», «Бода», «Ушшок», «Зерафканда», «Синахон», «Наво», «Тарона», «Баста» ва бошка куйлар ижод килинди. Бу куйларнинг купларини узбек, тожик халқлари хозирги кунда ҳам куйлаб, ката ва кичикларнинг хиссиётига ижобий таъсир курсатмокдалар. Бу даврда илм-фаннинг усгани Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Ахмад Фаргоний, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний ва бопжа олимларнинг фаолияти мисолида равшан куринади.

Амир Темур ва унинг авлоди хукмронлик килган Х1У-ХУ асарларда мамлакат иктисодий, ижтимоий тикланиш ва ривожланиш йулига утди. Илм-фан, меъморчилик, тасвирий санъат, наққошлик, мусика соҳасида, бадий адабиётда жуда ката ютуқларга эришилди, халқ огзаки ижоди ривожланди. Мирзо Улугбек, Козизода Румий, Гиёсиддин Жамшид, Али Кушчи, Султонали Хужандий, Юсуф Табиб, Шарафиддин Али Яздий, хофиз Абу, Абдураззок Самаркандий, Хондамир, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Давлатшох Самаркандий, Захриддин Муҳаммад Бобур, тилшуносликда Фазуллох Абуллайс каби буюк олим, адиблар камол топди.

Темурийлар даврида етишган Абдукодир Нойи, Кулмуҳаммад Шайхий, Хусайн Удий, Шайхугли Гижжаккий, Дарвеш Ахмад Хонуний, Уста Шодий ва бошка мусикачи, бастакор ва хофизлар «Рост», «Исфакхон», «Ирок», «Наво», «Раховий» мақомларини ижод этиб, узларидан олдин ижод этилган мақом ва куйларни бойитдилар.

Халқ педагогикасида ижод этилган кўшиқлар, уйинлар ёшлар тарбиясида, уни хаётга тайёрлашда, улар уртасида ахилликни мустаҳкамлашда ката аҳамият касб этади.

ЎЗБЕК ХАЛҚ АНЪАНАЛАРИ ВА БАЙРАМЛАРИ

ФОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТЛАР:

1. Имомов "Халқ оғзаки поэтик ижоди" 1980йил
2. М.Муродов, Х.Эгамов "Фольклор ваэтно-графия", "Узбек халқ оғзаки поэтик ижоди" Т, "Ўқитувчи" 1990 йил
3. С.Йўлдошева "Узбек халқ анъана ва маросимлари"

Халкнинг прогрессив анъаналари ва байрамлари дейилганда халқ ҳаёти ва турмушига енгиб кетган, авлоддан-авлодга мерос бўлиб келаётган, муайян давр тақозосига кўра, маълум вақт ичида мунтазам уюштирилиб туриладиган маданий-оммавий шакллар ёки тадбирлар тушунилади. Узбек халқи бундай анъанавий байрамларга жуда бойдир. Бунга қадим замонлардан то ҳозирги кунгача ҳаётда муҳим ўрин тутган «Лола сайли», «Ўзум сайли», «Ҳирмон туйи» (Ҳозирги «Пахта байрами») каби табиат ва меҳнат байрамларини мисол келтириш мумкин.

Ҳар бир миАлатнинг урф-одатлари турли даврлар да, турли тарихий ва иқтисодий шароитда, маданиятнинг. турли босқичларида вужудга келади. Жамиятда моддий ва маънавий ҳаётнинг учишига қараб, улар узгариб боради, яъни маълум шароитнинг талабига жавоб бера олгунча сакданади ва акс ҳолда йўқолиб кетади.

Халқ байрамлари ҳар доим ижтимоий ҳаёт мазмунини акс эттирган Мустақиллик қўлга киритилгандан сўнг ҳаётнинг тубдан ўзгариши, байрамларнинг. мазмунини узлаштириш ва шу асосда унинг шакллари тақомиллаштиришни ҳам талаб қилди. Байрамлар нуқсонлардан тозаланди, уларнинг асл моҳияти, яъни халқчиллиги, меҳнат тантаналарининг жиолари каби хусусиятлари сақланиб қолди.

Мустақиллигимизнинг биринчи йиллариданок анъанавий узбек халқ прогрессив байрамлари турли гоя, диний-сиесий оқимларнинг қураши остида тобланди, чиникди ва замон талабларига жавоб бераётганлиги учун ривожланиш жараёнидаги янги даврга қадам қўйди.

Гул байрамлари Гул байрамлари табиатдаги энг гўзал мўъжизаларнинг бири гулларга бағишланган шодиенадир. Маълумки, гул - бу ҳаётнинг қурки, шодлик манбаи. Шунинг учун ҳам гул билан учрашиш -гузаллик билан учрашиш, гузаллик билан учрашиш эса, хурсандчилик, бахтиёрлик, байрам қайфияти демақдир;

Гузалликни табиатан нафис ҳис этувчи кунгина халқдар қадимдан. «гузаллик маликаси» -

гулга бағишлаб турли маросим ва сайиллар яратганлар.

Шаҳарда, жумладан, Ўзбекистон территориясида қадим замонлардан бери қир-адирларда майсалар яшнаши, гуллар қийғос очилиши муносабати билан турли сайиллар ўтказилган. Тарихий манбаларга Қарағанда, Хоразм ва Бухорода «Қизил гул сайли», Фарғона водийси, Қўқон ва Тошкент атрофларида «Лола сайли», баъзи тоғли районларда, хусусан, Чуёт ва Денов районларида «Сумбула сайли» каби байрамлар уюштирилган. Шунинг таъкидлаш керакки, анъанавий (лола) гул сайиллари ва замонавий гул байрамлари келиб чиқиши жиҳатидан маълум маънода бири-биридан фарқ қилади. Баъзи тадқиқотчилар бу икки ўзига хос сайил ва байрамларни бири-биридан ажратолмай, умумий тарзда изоҳ берадилар. Бироқ улар да ўзларига хос асосий хусусиятлари мавжуд бўлиб, ана шулар ҳақида баъзи аниқликлар киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Анъанавий гул (лола) сайиллари баҳор фасли табиат қўйнида - сайилгоҳларда уюштирилса, замонавий гул байрамлари эса ёзнинг охири - «бахмал мавсум» да шаҳар ва қишлоқлар гулларга бурканган бир пайтда маданият ва истироҳат боғларида ўтказилади. Гул сайиллари қадимдан анъанавий тарзда уюштирилиб келинган.

Ўзбек халқи ҳаётида гул сайилларига оид бой анъаналар бўлгани сабабли, улар асосида қизиқарли замонавий гул байрамлари вужудга келмоқда. Халқдан мерос бўлиб келаётган анъанавий гул сайиллари ҳозирги даврга келиб янада янги мазмун билан бойиди.

«Қизил гул сайли», асосан, ҳамал (март) ойининг охири Хоразм ва Бухоро вилоятларида ўзига хос қизиқарли шаклларда уюштирилган. А. Х. Ҳамроев берган маълумотларга Қарағанда, «Қизил гул сайли» (сайли-гули сурх) тахминан, бир ҳафтадан бир ойгача давом этиб, унинг қатнашчилари бир жойдан иккинчи жойга кўчиб сайил қилиб юришган. Сайил ўтказилаётган қишлоқлар на сайилгоҳларда: бир жойда кун бўйи ашулалар айтишган, рақсга тушишган. Иккинчи махсус белгиланган жойда масхарабоз на дорбозлар томоша кўрсатишган, учинчи жойда, хўроз, қўчқор, туялар уриштирилган, купкарилар (улоқдар) ташкил қилинган. Тўртинчи жойда катта бозор уюштирилган, бешинчи жойда лаззатли таомлар пиширилган ва ҳоказо.

Хоразмда «Қизил гул» махсус маросим билан очилиб, унда барча халқ, ҳатто хотин-қизлар ҳам эркин қатнашган. Аҳоли бир-

бирларини гуллар билан табрикланган. Мусобақа ва ўйинлар уюштирилган, санъаткорларнинг чиқишларини томоша қилганлар. Ўйигитларнинг ўзларига ёққан қизларга олма, анорлар отиши сайилнинг ўзига хос ўйинларидан бири сифатида намоён бўлган. Сайил давомида ёш ўйигит-қизлар ишқи тушиб, танлаганларига ёш болалар орқали ҳар хил ширинликлар, ҳолва, майиз юборишган. Ўз навбатида, қизлар уларни маъқул курса, «жавоб» ширинликларини йўллашган.

Бухоро ва Хоразмда ўтказиладиган гул сайилларидан шу нарса яққол маълум буладики, улар деярли диний элементлардан ҳоли бўлиб, ҳақиқий халқ сайиллари сифатида уюштирилган.

Ҳозирги кунда «Қизил гул сайли» маълум маънода замонавийлашиб, меҳнаткаш халқнинг далаларга чиқиб мазмунли дам олиш шаклига айланган.

Сумбула сайли ҳам баҳорда тоғ ён багирларида турли гуллар, жумладан, сумбулалар очилган вақтда ўтказилади. Табиат гўзалликларининг бирлашган жойи: бир томони тоғ, иккинчи томони сув (кўл, дарё, сой), учинчи томони ўрмонга эга бўлган ер дам олиш, гўзалликдан баҳраманд бўлиш учун энг қулай жой ҳисобланади. Ўзбекистонда бундай жойлар кам эмас. Масалан, Чуст районидаги Тошқўрғон ана шундай табиий гўзалликлар бирлашган жой. Баланд тоғлар, оппоқ қорлардан ҳосил бўлган «Рова» сойи ва унинг атрофидаги ёввойи, мевали дарахтлар, турли қушлар ва ҳайвонлар яшайдиган ўрмонзор айнан сайил қилиш учун энг қулай жой.

Қадимдан ўтказиб келинаётган «Сумбула сайли» ҳозирги кунда Ҳукумат органларининг эътибори асосида янги, замонавий тарзда Наврўз байрамларига улаб ўтказилмокда. миллий таомлар тайёрланади. Хохлаганлар тоққа чиқиши, гўзаллик оламига экскурсия қилиши, сўлим жойларда давралар кўриб дам олиши, санъат шайдолари бадий ҳаваскорлик коллективлари, масхарабозларнинг чиқишларини томоша қилиши, спорт шинавандалари эса мусобақаларда қатнашишлари мумкин.

«Сумбула сайли» Сурхондарё вилоят Денов тумани тоғ ён багирларида, турли гуллар очилган бир пайтда ўтадиган анъанавий сайилдир.

Лола сайли - бу баҳор фасли кир-адирларда лола қийгос очилган пайтларда шаҳар ва қишлоқ аҳли далалар ва бог-роғларга коллектив бўлиб чиқиб, нишонладиган байрам (ўзига хос «Маевка»).

Этнографларнинг берган маълумотларига Караганда, «Лола сайли» байрамини халқ томонидан сайланган «Лолачи»лар бошқарганлар. Байрам ўзига хос маросимлар, махсус айтиладиган кўшиқлар, томошалар, ўйинлар билан бой булиб, бутун аҳолининг сайилгоҳ томон йўл олишидан бошланган. «Лола сайли» ҳозирги кунда апрел ойининг иккинчи ярмида Ўзбекистоннинг кўпгина жойлари, жумладан, Тошкент вилоятининг Бўстонлик, Паркент, Келес районларида, шунингдек, Фарғона водийси, Самарқанд вилояти туманларида шанба ва якшанба кунлари уюштирилмокда. Шаҳар саноат корхоналари, ўқув ва маданият муассасалари меҳнаткашларнинг табиат кўйнига чиқиб дам олишлари учун махсус автобуслар ташкил қилинмокда. Сайилгоҳдарга жамоа бўлиб чиққан кишилар ўйин-кулги, ашула-рақслар уюштиришмокда, лаззатли таомлар тайёрлаб яхши дам олишмокда.

Бу ўринда шуни алоҳида қайд этиш ўринли бўладики, айрим жамоалар «Лола сайли» байрамини ўтказиш учун махсус тайёргарлик кўрмасдан шаҳардан ташқаридаги табиат кўйнига чиқиб фақат «еб-ичишдан» нарига ўголмай қоладилар. Баъзи «сайилчилар» лолазорларга чиқиб, лолазорни пайҳон қиладилар ва уларни келгуси йил яна очилишидан маҳрум этадилар. «Лола сайли»га лолаларни узиш учун эмас лолазорларда дам олиш учун чиқиш керак эканлигини унутмаслик лозим. Яна такрор-такрор айтиш керакки, лола сайлининг асосий вазифаси - аҳолини мазмунли хордик чикариш, табиат гўзалликларидан баҳраманд бўлиш, уни севиш ва қадрлашга ўргатишдир. Бинобарин, республикамиздаги айрим масъулиятли маданий-оқартув ходимлари «Лола сайли» ўтказишга алоҳида эътибор билан қарамокдалар. Чунончи, «Лола сайли»га чиқиш Бўка тумани мада ният уйида яхши йўлга кўйилган. Бу ерда туман маданий-оқартув ишларининг мутасаддилари маълум жамоа билан қир-адирларга чиқишдан олдин кишиларга «Лола сайли»нинг кадимий анъаналари, табиат гузалликларини эъзозлаш камда фойдали дам олиш иулари хакида суҳбатлар утказиб, сайилнинг кизикарли ва мазмунли тартибда тузилган дастури билан таништиради. Албатта, бундай тарзда уюштирилган лола сайли ҳар бир кишига ижтимоий фойда келтириб, кишиларнинг табиатдан маънавий озуқа олишига ҳамда вақтнинг самарали ўтишига кўмак беради.

Ўзбек халқи ҳаётида узоқ тарихга эга бўлган, табиат кўйнида ўтказиладиган «Гул сайиллари» («Лола сайли», «Сумбула сайли», «Қизил гул сайли»)

каби анъаналар табиат гузаллигига багишланган янги байрамларни ривожлантиришга яхши замин бўла олди. Янги замонавий гул байрами анъанавий гул сайиллари билан муносиб уйгунлашиб кетди ва уларнинг замирида барқ уриб ривожланмокда. Янги «Гул байрами» замена талаби ва эҳтиёжлари асосида табиат гузалликларини муқофаза қилиш аҳоли пунктларини ободонлаштириш, теварак-атрофни бог-роғ, гулзор, чаманзорга айлантириш, чиройли қилишга кўмак берувчи байрам сифатида шаклланди.

«Гул байрами» тез вақт ичида Ўзбекистан байрамлари орасидан мустақкам ўрин эгаллади ва янги замонавий байрамга айланиб кетди. Республикамизда табиатнинг энг гўзал пайти - «бахмал мавсум» - ёзнинг охирлари кузнинг бошларида маданият ва истироҳат боғларида ўтказиладиган бу байрам инсон кули билан етиштириладиган «гузаллик маликаси» - гулларни яхши тарғибот қилмокда.

Кейинги вақтларда гул байрами мактаблар, пионерлар уйи, мактабдан ташқари муассасаларда кенг тарқалмокда. У ёшлар ўртасида экологик тарбия бериш, табиатга нисбатан муҳаббат уйғотиш, мактаб болалари ва табиатсеварлар етиштиришган манзарали ва гул ўсимликларини тарғиб қилиш, энг фаол табиат жонкуярларини такдирлаш каби ишларда муҳим рол уйнамокда.

Республикамизда энг йирик ва тантанали «Гул байрами» Наманганда утиши ҳаммага маълум. Гўзал қалбли ва нозик дидли наманганликлар табиат чиройини, унинг бебаҳо инъомларини азалдан кадрлаб, уларга алоҳида муҳаббат билан қарашган. Айнан, «Гул байрами»нинг наманганликлар хаётига сингиб, яхши анъанага айланиб қолганлигининг сабаби ҳам шундан бўлса керак.

Наманган республикамизнинг энг кўкаламзорлаштирилган чамангулзорларга бой шахри булгани учун халқимиз уни. «гуллар шахри»- деб бекорга айтишмайди.

Наманганда «Гул байрами»ни ўтказиш борасида ташкилий ишлар яхши йулга қўйилганлиги учун ҳам, бу байрам чиройли ва сержило бўлиб ўтмокда. 50-йилларнинг охиридан бошлаб, анъанага кирган «Гул байрами» Наманган шаҳар маданият ва истироҳат боғида ҳар йили мунтазам равишда (август охири, сентябр бошларида) уюштирилмокда. Байрамни ўтказиш ма-саласи 1,5 - 2 ой муқаддам шаҳар ҳокимиятида муҳокама қилинади, махсус дастур ишлаб чиқилади, маблаг ажратилади, ташкилий қўмита тузилади, сценарий автори ва режиссёр белгиланади. Наманганда ўтказиладиган «Гул байрами» пахта

йигим-теримига киришишдан олдин шанба, якшанба кунлари ташкил қилинади. У анъанавий тарзда эрталаб карнай-сурнай садолари билан бошланади. Маданият на истироҳат боғига киришдаги жонли гуллардан ишланган портретлар, шиорлар қатнашувчиларнинг диққатини жалб қилади. Байрам кунини маданият на истироҳат боғи марказий йўлагининг икки томонида гуллар кўргазмаси ташкил қилинади. Кўргазмада барча ташкилотлар, колхозлар, совхозлар, уқув юртлари, мактаблар, даволаш муассасалари ва гул ишқибозлари ўзлари етиштирган гуллари билан иштирок этадилар.

Уларнинг ҳар бири ўзлари етиштирган гулларнинг энг яхши намуналарини фотоальбомлар, гул уруглари, жонли гуллардан ясалган портретлар, панно, гилам, эмблемалар каби экспонатларни безаб, кўргазмага қўйишади. Икки томони гуллар билан безалган марказий хиёбонлар бўйлаб кезар экансиз, атрофдаги гузалликдан олам-олам завқ оласиз.

Паркнинг бошқа йўлаклари ва майдонларида ташкил қилинган ярмаркалар ҳам киши диққатини ўзига тортади.

Махсус белгиланган жойда маслаҳат столлари ишлаб туради. Ўша ерда тажрибали гулчилар ҳаваскор гулчиларга маслаҳатлар беради. Уларни қизиқтирган саволларига жавоб беришади. Байрамда гулчилар на байрам қатнашчиларининг диққатини тортадиган яна бир нарса, «Гул викторинаси»дир. Унда гулларнинг навлари, парваришlash сирлари ва усуллари ҳақида савол- жавоблар, баҳслар авжига чиқади.

«Гул байрами» файзига файз қўшишда бадий-омавий тадбирлар, оммавий томошаларнинг роли каттадир. Байрам қатнашчилари табиатга, «гузаллик маликаси» - гулга бағишланган катта концерт, мушоира, халқ талантларининг чиқишлари, аския, кураш, шах- мат сеанси, оммавий уйинлар, духовой, оркестр ва эстрада ансамблининг чиқишлари, бадий фильмлар намоиши, бадий мушакбозлик томоша қилишади. Шунингдек, байрамдаги халқ тантаналари, дорбозлар, масхарабозларнинг чиқишлари, оммавий уйинлар гоятда қизиқарли ўтади. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, байрамда аския алоҳида ўрин тутиб, юзлаб томошабинларни ўзига «сеҳрлаб» қўяди. «Гул байрами»нинг якунида голиб гулчиларни шарафловчи катта байрам мушакбозлиги уюштирилади. Байрам якунида барча наманганликлар ва байрам қатнашчилари мушакбозликдан ҳосил бўладиган турли

бадий шакллар, «гул юлдуз»ларини мароқ билан томоша қилишади.

«Гул байрами»нинг кульминацион нуқтаси, албатта бу -гуллар кўргазмасининг голиб гулчиларини такдирлаш маросимидир. Унда ташкилий қўмита раиси Наманган гулчиларининг эришган ютуқлари, бир йил давомида эришилган натижалар, илгор гулчилар ва жамоалар ҳақида сўз юритади. Сўнг жюри раиси «Гул байрами»нинг голибларини эълон қилади. Мусиқа садолари остида энг яхши муваффақиятларга эришган ташикилотларга ҳаваскор гулчиларга табиатни муҳофаза қилиш жамиятларининг дипломлари, пул мукофотлари ва қимматбаҳо совгалар топширилади.

«ҚОВУН САЙЛИ» байрами Ўзбек деҳқонларининг ҳосилни йиғиб олиш муносабати билан ўтказадиган байрамлари орасида қадимдан бизнинг давримизгача етиб келган прогрессив анъаналардан бири - бу «Қовун сайли»дир. Илгари «Қовун сайли» деҳқонларнинг қовун-тарвузларни полизларда йишлишидан бошланиб, бозор майдонларида ҳам давом этган. Ҳолбуки, байрам бозорда, айти нолиз маҳсулотлари қунайган вақтда, бир неча кун, ҳатто бир неча ҳафта давомида уюштирилган. Бозор авжига чиққан вақтда дорбозлар, масҳарабозлар, созанда ва хонандалар уз санъатларини намойиш қилишган. Сайилда кураш тушишлар, бедана, хўроз, кўчқор ва ит уриштиришлар, кимор уйинлари ҳам ташкил қилинган. «Қовун сайли»ни ўтказишдан купроқ бой ва амалдорлар манфаатдор бўлишган. Занги ота, Шохимардон каби зиёратгоҳ жойларда, номозгоҳ ёнидаги майдонларда «Қовун сайли», сайил давомида эса томоша ва мусобакалар, мажлислар ўтказилган. Баъзи жойларда (масалан, Хоразмда) «Қовун сайли»ни ўтказиш жараёнида энг яхши қовун нави ва энг ширин маҳсулот етиштирган деҳқонлар «Уста қовунчи» деб тан олинган, уларга тун' кийдирилган.

Замонавий «Қовун сайли»-Ўзбекистондаги ҳосил байрамлари ичида ўзига хос урин тутиб, полиз маҳсулотлари пишганда (август ойининг охирларида) кенг нишонланади. Бу байрамни ўтказиш услуби кўпгина ҳосил байрамлариникига ўхшайди. Чунончи, сайилда қовун-тарвузларнинг энг яхши навларидан кўргазма конкурслар, викториналар ҳамда полиз маҳсулотлари етиштиришда эришилган муваффақиятларга бағишланган томошалар уюштирилади. Энг яхши қовун етиштирган миришкорлар махсус мукофотланадилар. Қовун сайлининг диққатга сазовор томони унда

қовун-тарвуз ва полиз маҳсулотлари ярмаркалари ташкил қилинади. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозирги вақтқа «Қовун сайли» фақат республика миқёсида эмас, балки Ўзбекистоннинг полиз маҳсулотлари экиладиган МДХ купина жойларида ҳам ташкил этилмоқда. Полиз маҳсулотлари куплаб етиштирила-диган баъзи жойларда ташкил қилинаётган «Қовун сайли»да қовун-тарвузлар тарғиб қилиниши билан бир қаторда кўп-лаб бошқа хил сабзавотлар ҳамда мевалар байрам қатнашчилар-ининг эътиборига ҳавола қилинади.

Қовун-тарвуз етиштирилмайдиган бироқ бошқа хилдаги сабзавотлар, ва айниқса, богдорчилик маҳсулотлари етиштириладиган жойларда ҳам маҳсул тадбирлар ва табиат байрамлари ўтказиш учун эҳтиёжлар туғилди.

Агар полиз маҳсулотлари-қовун-тарвузлардан мўл-ҳосил етиштирила-диган жойларда «Қовун сайли» ўтказиш анъана тусини олган бўлса, асосий маҳсулот сифатида узум етиштириладиган жойларда «Узум сайли» (масалан, Ургутда), анор етиштириладиган ҳудудларда «Анор сайли» (масалан, Қувада) богдорчилик, олма етиштириш билан машхур бўлган жойларда «Олма сайли» (масалан, Наманганда) каби байрам-сайиллар ўтказиш одат тусига кириб бормоқда. 60 - 70-йилларда ҳаёт тақозо этган ана шундай эҳтиёжлар асосида богбонлар ва соҳибкорларнинг энг яхши маҳсулотларини намоиш этувчи турли кўргазмалар уюштирила бошланди.

Республика миқёсининг турли хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари: полиз экинлари, мевалар комплекс тарзда етиштириладиган жойларда богбонлар ва сабзавот корхоналарнинг янги замонавий байрамлари шаклланимоқда. Улар республика миқёсининг турли жойларида турлича: масалан, Самарканд вилоятида «Она ер саҳовати», Чустда «Табиат совғаси», Қўқонда «Табиат инъомлари», баъзи ерларда «Олтин куз саҳовати», бошқа ерларда, уларга маҳаллий жой номи қўшилган ҳолда «Сурхон саҳовати», «Мирзачўл совғалари» каби номлар билан турли шаклда ўтказилмоқда.

Бу байрамларнинг номи, шакли ва ўтказиш тартиби турлича бўлса ҳам, бироқ уларнинг мақсади ва асосий моҳияти умумий инсон меҳнати эвазига табиат инъом этган, совға қилган маҳсулотларни, нозу неъматларни тарғиб қилади.

«Она ер саҳовати» худди «Қовун сайли» байрами каби август ойининг охири ва кўпроқ сентябр ойининг бошларида мевалар, сабзавотлар ва

бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғиб олиш тугалланаётган бир пайтда уюштирилади.

«Она ер саховати» каби байрамларни ўтказиш учун вилоят марказларидаги маданият ва истироҳат боғлари жуда қулайдир. Чунки истироҳат боғларидаги табиий муҳитда деҳқонлар ва табиатсеварлар етиштирган табиий маҳсулотлар ўзига хос файз ва мароқ билан томоша қилинади.

«Табиат инъоми» номи билан Қўқон шаҳрида ўтказиладиган йирик анжуман республикамиздаги табиат байрамлари орасида алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг бошқа табиат байрамларидан фарқи шундаки, у комплекс характерга эга бўлиб, бошқа жойларда уюштириладиган «Гул байрами», «Қуш сайли», ободонлик тадбирлари, сабзавоткору боғбонларнинг ҳосил байрамини ўзида мужассамлаштиради. Муқумий номли Қўқон шаҳар маданият ва истироҳат боғида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган мазкур байрамда шаҳар ва саноат корхоналари, ўқув юртлари, мактаблар, ташкилот ва муассасалар-даги табиатсеварлар ўз ютуқларини томоша-бинлар эътиборига ҳавола қилишади. Байрам қатнашчилари гул на ўсимликлар, мева ва сабзавотлардан яратилган экспозицияларни қизиқиб томоша қилишади, ҳайновот олами билан танишишади.

«БИРИНЧИ ҚАДАМ»-БОЛАЛАР БАЙРАМИ

Ўзбек анъанавий байрамларини ташкил қилиш тажрибасини таҳлил қилар эканмиз, унда халқ, байрамларини ривожлантиришнинг энг муҳим муаммо-ларидан бири-мавжуд бўлган анъаналарни замон талабларига жавоб берадиган янгича услубини яратиш эканлигини яққол сезамиз. Маданий-маърифий муассасалар янги байрам шаклларини излат билан овора бўлиб, бу борада халқ ҳаёида мавжуд бўлган оилавий анъаналардан тўлиқ фойдаланиш мумкин-лигини унутиб қўйишмоқда.

Масалан, болалар байрамини олайлик: бу муқим масала. Чунки Ўзбекистан аҳолисининг 48 фоизини ёши-ун саккизгача бўлган болалар ва ўсмирлар ташкил этади. Ҳаётга чуқур-роқ назар ташласак, болалар байрамлари жуда кам эканлиги, бори ҳам ночор ҳолда ўтказилаётганининг гувоҳи бўламиз. Демак, ҳозирги кунда болалар байрамлари ҳам жуда керак тадбир ҳисобланади.

Ҳўш, ўзбек халқ анъаналари ичида болаларга оид қандай анъаналар мавжуд бўлган?

Қадимдан Ўзбекистон ҳудудининг ҳамма жойларида бола туғилгандан то вояга

етгунга қадар унинг ҳаётида содир бўлаётган муҳим воқеалар нишонлаб келинган. Боланинг дунёга келиши инсон ҳаётида энг муҳим воқеа, у албатта нишонланиши керак. Ҳозирги даврда уни маданий-маърифий муассасалар ФХДЁ ходимлари билан «Туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани топиши маросими» тарзида нишонлашмоқда. Лекин улар кўпинча «мажлис тарзида» ташкил қилинмоқда. Бу байрамни кўпроқ рамзий - бадий безаш ҳамда прогрессив халқ анъана-лари билан бойитиш лозим.

Бу борада фойдаланиш мумкин бўлган муҳим прогрессив анъана «Биринчи қадам» байрамидир. Бу анъанани Марказий Осиё халқлари қадимдан кенг нишонлаб келган. У гўдакнинг ҳаётда илк бор мустақил ҳолда қўйган биринчи қадамига бағишланган. «Биринчи қадам» байрамини ҳозир маданий-маърифий муассасалар ва боғчалар узаро ҳамкорликда утқа-, зиши уринлидир. Тошкент Давлат маданият институтининг маданий-маърифий ишлар кафедраси томонидан халқ анъаналари асосида ишлаб чиқилган «Биринчи қадам» байрамининг замонавий услуби қуйидагичадир. Байрам ўтказиладиган жой махсус безатилади. Давранинг олдинги қисмига қизил лента тортилиб қўйилади. Бошқарувчининг кириш сўзи ва болаларнинг шеърий компо-зицияси билан байрам очилади. Бошқарувчи бола туғилгандан сўнг унинг ҳаётидаги муҳим воқеалар (илк бор эмаклаши, мустақил ўтириши, «тили чиқиши» ва бошқа ота-она-ларни қувонтирадиган ҳаракат-лари) ҳақида сўзлайди. Шунингдек, у биринчи марта мустақил қадам қўйиш бола ҳаётида муҳим ҳодиса эканлиги ва мазкур воқеага бағишланган ўзбек халқининг қадимий одати байрам мавжудлиги ҳақида гапиради. Даврага мунис онахон чиқади. У ўзбек халқининг «Биринчи қадам» маросими анъаналари ҳақида сўзлайди. • Даврага икки ёш йигит чиқиб, доира усуллари орқали маросимнинг асосий қисмига барчанинг диққатини жалб этади. Болалар аравачасида байрам қаҳрамони илк бор қадам қўювчи болани олиб келишади ва давра ўртасидаги чиройли қили безатилган стулчага («тахт»га) ўтказилади. Мусиқа янграйди. Тантанали вазиятда онахон давра бўйлаб тортилган қизил лентачани қирқади. Шу вақт даврага 6-7 ёшлардаги қиз ва угил бола чиқиб маросим қаҳрамонига қаратиб шеър ўқишади: Укажоним, қўзичоғим, кела қолгин,

овунчоғим. Туриш керак, юриш керак, Атак-чечак, атак-чечак, Сўнг қизча на угил бола давра қаҳрамоннинг қўллари дан ушлаб илк қадам ташлашга ундашади. Бола қадам ташлаганда, барча чапак чалади.

Ўзбек анъанаси бўйича нон, кулча ва ширинликлар солинган саватларни миллий кийимдаги қизлар олиб чиқишади. Онахон саватдаги нонни олиб байрам қаҳрамонига тишлатади. Бу удумдан сўнг саватдаги нон-лар ва ширинликлар барчага улашилади. Боланинг илк бор ҳаётга қадам қуйи-ши байрамнинг асосий қисми бўлиб, бошқарувчининг моҳиятини чуқур баён этади.

Мавзу: Халқ амалий санъатининг удум ва маросимлар билан боғлиқлиги

РЕЖА:

1 . Халқ амалий санъати ҳақида тушунча

2 . Халқ амалий санъатининг турлари ва уларнинг удум ва маросимлар билан боғлиқлиги;

3 . Амалий санъатнинг ҳаётимизда тутган урни.

Амалий безак санъати ҳар бир халқнинг маиший турмушининг таркибий қисми сифатида асрлар оша шаклланиб келган миллий хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган. Аммо бизгача етиб келган соҳалар ўзининг ишлаб чиқариш услубини ва ўз санъатини сақлаб қолган бўлса-да, мазмунан ва шакл жиҳатдан анча ўзгарган. Археологик кашфиётлар туфайли аниқланган исломгача бўлган обидаларда топилган ганчдан ва сополдан ясалган буюмларда, металл ва олтин безакларда, деворий санъат намуналарида тасвирланган жозибадор образларда бутун бир маиший турмуш соҳаси (айрим одамлар ва турли жониворлар иштирокида ўтказилаётган маросимлар ва ҳаёт тасвири берилган панноларда) намоён қилинган бўлса, мусулмончилик кейин барча бинокорлик амалий безак санъатида мазмун ва шакл ўзгариб кетган. Илгари зўр маҳорат билан одамлар, турли ҳайвонлар ва бутун бир воқеалар тасвири берилган обидалар ўрнига геометрик ва ўсимликлар шаклидаги безаклар асосий ўринни эгаллаган. Оддий маиший буюмлар ва безакларда ҳашаматли меъморчилик иншоатларида ислом ақидалари туфайли жонли образлар тасвири деярли йўқолиб кетган.

Ҳозиргача сақланиб- келган амалий санъат

соҳаларидан ганч ўймакорлиги кенг тарқалган. Тарихий обидаларда топилган қодимги ганч ўймакорлиги асосан ҳажмий бўлиб, реаликтик тасвирлар билан ажралиб туради. Масалан, 111-1У аср обидаси бўлмиш Тупроққалъанинг серҳашам сарой меҳмонхоналаридаги ўйма ганчли расмлар, ўша даврга оид Варахша шаҳарчасида кашф этилган ганчга битилган ўсимликсимон нақшлар, пальметта, бўрттириб ишланган балиқ тасвирида ўйилган ганч, геометрик шакллар, қушлар, ҳайвонлар ва балиқларнинг тасвирлари ажойиб санъат намуналаридан қадимий усталар мураккаб нақшларни ўсимлик ва ҳайвонларнинг тасвирларидан олиб стиллашиб ишлаганлар. Ганч деворга, устун ва пештоқларга қалин қилиб сувалиб, нақш тасвири ганчнинг ўзига ахта (улги)сиз тўппа-тўғри чизиб ўйилган.

Илк ўрта асрлардан бошлаб ганчкорлик санъати яна ҳам ривожланади. Мовароуннахрда ганчкорлик меъморчиликнинг асосий беази даражасига кўтарилиб, уларда афсонавий ҳайвонларнинг тасвирини ҳам учратамиз. Айниқса, Жанубий Ўзбекистонда ўрганилган мақбараларнинг интерьерлари, девор пештоқлари, равоқлари ниҳоятда нафис ўйма нақшлар билан безатилган.

Масалан, XII асрда Термез мақбараларида янгича услуб ишлатила бошланганлиги, яъни, мукарнаслар (стилактитлар)нинг пайдо бўлиши ва кўпгина биноларда қулланилиши ганчкорликнинг усганлигидан гувоҳлик беради.

Ҳозирги замон Ўзбекистон амалий санъатининг туб асослари ўрта аср безакчилик эстетикасига бориб тақалсада, ҳунармандчиликнинг етакчи мактаблари ХIХ-ХХ асрларда шаклланди. Шу кунларда кулолчилик санъатининг ўзидаёқ асосий учта мактаб бўлиб, булар:

1. Фаргона водийси,
 2. Бухоро-Самарқанд;
 3. Хоразм марказлари анъанавий мактаблари
- ҳисобланади.

Фаргонанинг мовий сополлари ўз шаклининг хилма хиллиги билан ажралиб туради. Уларни безашда гул ва ўсимлик шаклларининг турли намуналаридан фойдаланилган. Фаргонанинг мовий сопол марказларидан бири бўлмиш Риштон сополлари ўз бадий еичмларининг гўзаллиги ва бойлиги билан ажралиб туради.

Бухоро-Самарқанд мактабларининг намоёндалари ака-ука Алишер ва Абдулла Нарзуллаевлар ривожлантириб, унутилиб кетган Гиждувон кулолчилик касбини қайта тиклашга мувоффақ бўлдилар.

Амалий санъатнинг энг нозик соҳаларидан бири заргарлик хунари бўлиб, нозик дид билан ишланган турли хил тақинчоқлар Бухоро, Хоразм, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент заргар усталари томонидан яратилгандир. Аёллар тақинчоқлари пешонага, қулоққа тақиладиган ва кўкракка осиладиган ранг-

баранг қимматбаҳо тошлар билан безатилган буюмлардан ташкил топган. Ҳозирги давр заргарлари қадимги тақинчоқлар тузатишда қадимги материал ва технологияларни ҳам иложи борича самарали қўллашга ҳаракат қилмоқдалар. Бу йўналишда тошкентлик уста Дадамухамедов муваффақият қозонмоқда. У[^]Бухоро, Тошкент, Фаргона ва Хоразм заргарлик анъаналарини мужассамлаштирган ҳолда бир қанча тақинчоқлар ансамблини яратди.

Ўзбекистон амалий санъатнинг кенг тарқалган турларидан бири ёрмадўзлик (қўл вишипкаси) хунари бўлиб, у билан турли либослар, интерер жихозлари, майший буюмлар мавжуд. Ёрмадўзлик хунари Ўзбекистоннинг барча туманларида кенг тарқалган. Аммо етакчи марказлар Бухоро, Самарқанд, Фаргона ва Тошкент хисобланади. Қашқадарё ва Сурхондарё ёрмадўзлиги ўзининг ранг-баранглиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистоннинг аҳолиси ўртасида ҳар бир жойнинг ўзига хос такрорланмас безак ва рангга эга анъанавий бош кийимлари расм бўлган. Яъни, эркин ва рангдор . дўппи кийиш сурхондарёлик ёш йигит ва қизларга хос бўлса, оқ-қора рангли дўппини эса Фаргона водийси ва Ўзбекистоннинг шимолий худудида яшовчи эркак кишилар кийганлар. Шахрисабз Ироқи дўппиларида кашта чизмаларини бажариш усули ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистонлик усталар безак санъати бўйича ажойиб натижаларни қўлга киритганлар. Ҳозирги замон мусаввирлари ўрта аср санъаткорлари яратган асарларни ижодий талқин қилиш йўли билан анъанавий миниатюра рассомчилигига яқинда ҳаёт бахш этдилар.

Ўзбекистон ганчкорлик санъатидаги асосий мактаблар XIX асрга келиб шакллана бошлади: Тошкент, Фаргона, Хоразм ва Қашқадарё. Маълумки, ганчкорлик санъати халқ амалий-безак санъатининг бошқа турларига қараганда меъморлик санъати билан узвий боглик. Унинг азалий хом-ашёси, ишлов берилган алебастр бўлиб, иш жараёни (катта объектларда) кўп кишиларнинг меҳнатини талаб қилади. Дастлаб, қурилишларда маҳаллий мактабларга хос анъаналар билан боғланиш кучли бўлган. Тошкент мактабида кенг тарқалган композициялар фаргоналик усталарнинг ишларига яқин бўлиб, кўпинча "ўсимлик -занжиран туркумидаги нақшларни ташкил этади. Уларнинг уйилиши ҳам бирмунча чуқур булиб, баъзи ҳолларда ганчнинг умумий фони бўялади. Бухоро мактаби ганчкорлигининг техник жараёни бирмунча мураккаб. Унда уста Ширин Муродовтомонидан кашф этилган - ойна устига ганч ишлаш кенг тарқалган. Тошкент мактабидан фарқли Улароқ, Бухорода ўсимлик нақшлари билан биргаликда геометрик шакллар (айлана, кўпбурчак, қиррали шакл ва ҳоказолар) ҳам куп ишлатилади. Хивада қўлланиладиган композициялар майда гулли нақшлардан иборат бўлгани сабабли, улар текисликда чуқур ўйилмайди.

Замонавий жараёнда ганчкорликдан нафақат девор текислиги ёки шифтларни безашда балки, устунлар, равоқлар, ҳоўияларни безашда ҳам кенг

фойдаланилмоқда. Чунки, у маҳаллий иқлим шароитига мое ом-ашё фақат оқ рангдан иборат бўлгани сабабли, ҳар қандай ўлчамдаги интерьерларга мое, ўзидан ҳаво ўтказади ва катта сарф-ҳаражат талаб қилмайди. Шунинг учун нафақат давлат аҳамиятига молик объектларда, балки, кенг аҳолининг яшаш уйларида ҳам ганчкорликдан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Амалий санъат безаги халқнинг маънавий ҳаётида муҳим аҳамиятга эгадир. Амалий санъат кадриятларимизни ва урф-одатларимизни ўзида мужассамлаштиради. Уларнинг ҳар бир кўринишларида маданий-маърифий турмушимизнинг мазмуни акс эттирилган.

Амалий санъат безаклари ранг-баранг бўлиб, улар ҳар хил маъноларни англатган. Ҳозирги кунда ёғоч ва мрамрдан яратилган гўзал нақшли сопол лаганлар, тўқимачилик ва каштачилик маҳсулотлари, мискарлик ва заргарлар томонидан бунёд этилган ажойиб тақинчоқлар, миллий кадриятларимизнинг ўзига хос хусусиятларини намоён қилади.

Ҳозирги даврда тадбирларни ташкил этишда, хусусан миллий кадрият маросимлари, урф-одатлари "Наврўз", "Мустақиллик" ва спорт байрамлари ҳамда бошқа сайлларни уюштиришда амалий безак санъатидан унумли фойдаланилмоқда.

Халқимизнинг энг севимли байрамларидан бири "Наврўз" сайлдир. Унда амалий безак санъатининг нақшинкор каштачилик санъатидан фойдаланиш ўринлидир. Саҳнага миллий услубда фолкълор ансамблларининг чиқишларида амалий безак санъатидан тўғри фойдаланиш лозим. Бу ўринда миллий шаклдаги тиллаҳалли дўппи, ятак ва гуллар билан тикилган аёллар- либосларини безатишига ҳар томонлама ёндошиш керак. Саҳнага бошқарувчи йигит ва қизнинг духобага хошияли гуллар битилган миллий кийимларда чиқишларида нақшинкор амалий безаклардан фойдаланиш тадбир мазмунини очиб беришда ёрдам беради.

Ўзбек халқи миллий анъаналарга бойдир. Халқ анъаналари чақалоқни бешикка солиш, қўғирмоч, мучал, уннат ва никоҳ тўйлари мавжуд бўлиб, унда амалий безак санъатининг ажойиб намуналаридан ҳанузгача унумли фойдаланилмоқда. Ёшлар тўй ўтказиладиган жойларни ўзига хос безатиш ёки ёки келин дугоналари билан палак остида гўшангага киришлари мисол бўлади. ўзбек кадриятларини ўзида мукаммал акс эттирган "Чимилдик" спектаклида ҳам амалий безак санъатининг барча услублари: деворларни сўзана билан безатиш, ёғоч ва гул солиш санъати, қути ва сандиқлардан фойдаланиш ҳамда мискарлик асбоблари (обдаста ва дашша), миллий либослар ва тиллақошлардан мақсадга мувофиқ фойдаланилган.

Безатувчи рассом бу саҳнавий кўринишларни безатишда аввало асар билан яқиндан танишиб чиққан ва унда кўтариб чиқилган гоя бўйича безатиш ишларини амалга оширади. Асардаги бош қаҳрамон келиннинг миллий либослар ва тақинчоқлар тақиб чиқишларининг мазмунини кенгроқ англашда яқиндан ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси истиқлолга эришган мустақиллик байрами мунтазам равишда ўтказилмоқда. Ташкил этилган байрамларни ҳар бири ўзига хос тарзда ифодали безатилган. Агарда мустақилликнинг дастлабки йилларидаги байрамларда кўплаб истиқлолни акс эттирувчи услубдаги миллий безакларга бағишланган бўлса, кейинги йиллардаги байрамнинг бадиий безаклари маънавий-маърифий, яъни Ўзбекистон республикаси герби, байроғи ва мадҳиясига дойр кўргазмалар билан безатишга қаратилган. Байрам ўтказиладиган - майдонни мустақилликни мадҳ этувчи узбек халқининг миллий ифтихори бўлган "Мустақиллик" рамзи байрамнинг нишонлаш кунини акс эттирувчи рақамлари тинчлик жарчиси - оқ кабутарлар ҳамда кўргазмали воситалар билан безатиш мумкин. Улур алломаларга бағишланган байрамларни ташкил этишда тадбир майдонини безатишда амалий санъат намуналаридан фойдаланишга алоҳида эътибор бериш лозим. Бундам байрамларда тадбир ўтказиладиган майдон ҳажмига ва мавзусига қараб безатилади. Буюк аллома Алишер Навоий ижодига дойр тадбирни амалга оширишда унинг "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун" дostonлари қаҳрамонлари миллий кийимлари ундаги образларни тўлақонли яратишда нақшли либослар ва жиҳозлардан тўн, салла, камар ва ҳоказолардан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, асар қаҳрамонлари образини яратишда бадиий безак анжомларидан фойдаланиш мазмунини очишда яқиндан кўмаклашади. Булардан ташқари байрамларга бағишланган бадиий безак ишлари умумий яхлитликни ташкил этиши лозим. Улар ҳар бири мазмуни жиҳатдан бир-бирига боғлиқ бўлиши лозим. Ана шунда кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Қадим-қадимдан ота-боболаримиз хунармандчилик билан дунёга таралганлар. Улар миллий анъаналаримиз ва удумларимиз асосида фарзандларига хунар ўргатганлар, тарбиялаганлар. Шу тариқа хунар авлоддан-авлодга ўтиб, ҳозиргача етиб келган.

Қадимий иморатлар, иншоотларнинг ҳар бири гишт билан тикланган. Унинг ҳар бир гиштида боболар нафаси сезилади. Нозик дид билан юксак маҳорат ила ижод этиб барпо бўлган ёдгорликлар халқнинг маданий бойлиги, фахр ва гуруридир. Асрлар ижодий тажрибасини ўзида мужассам этган уста ва устозодалар санъати авлоддан-авлодга ўтиб сайқал топган. Лекин жуда кўп меъморларнинг номлари сақланиб қолмаган. Сабаби тенгсиз гўзаллик намуналарини яратган меъморлар аксари камтарлик қилиб ўз номларини биноларда ёзиб қолдирмаганлар. Улар яратган меъморий обидалар асрлар давомида маҳобатини йўқотмаган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Имомов "Халқ оғзаки поэтик ижоди" 1980 йил
2. М.Муродов, Х.Эгамов "Фольклор ва

этнография", "Узбек халқ оғзаки поэтик ижоди" Т,
"Ўқитувчи" 1990 йил

3. С.Йўлдошева "Узбек халқ анъана ва
маросимлари"

**Мавзу: Халқ амалий санъатининг
анъана ва маросимларда акс эттиши
РЕЖА:**

1. *Халқ амалий санъатининг
анъанавийлиги;*
2. *Зардўзлик санъати ва маросимлар;*
3. *Каштачилик санъати бўлган боғлиқ удумлар;*
Амалий санъатнинг халқчил-
лиги. Ҳозирги замон Ўзбекистон амалий санъатининг
туб асослари ўрта аср безакчилилик эстетикасига боғлиқ
тақаллада, хунардорликнинг
етакчи мактаблари XIX-XX асрларда шаклланди.
Шу кунларда кулолчилик санъатининг ўзидаёқ асосий
учта мактаб бўлиб, булар:
4. Фаргона водийси,
5. Бухоро-Самарқанд;
Хоразм марказлари анъанавий мактаблари
ҳисобланади.

Фаргонанинг мовий сополлари ўз шаклининг
хилма хиллиги билан ажралиб туради. Уларни
безашда гул ва ўсимлик шакллариининг турли
намуналаридан фойдаланилган. Фаргонанинг мовий
сопол марказларидан бири бўлмиш Риштон
сополлари уз бадиий ечимларининг гўзаллиги ва бойлиги
билан ажралиб туради.

Бухоро-Самарқанд мактабларининг намоёндалари
ака-ука Алишер ва Абдулла Нарзуллаевлар
ривожлантириб, унутилиб кетган Гиждувон
кулолчилик касбини қайта тиклашга мувоффақ
бўлдилар.

Амалий санъатнинг энг нозик соҳаларидан бири
заргарлик хунари бўлиб, нозик дид билан ишланган
турли хил тақинчоқлар Бухоро, Хоразм, Самарқанд,
Фаргона ва Тошкент заргар усталари томонидан
яратилгандир. Аёллар тақинчоқлари пешонага,
қулоққа тақиладиган ва кўкракка осиладиган
ранг-баранг қимматбаҳо тошлар билан
безатилган буюмлардан ташкил топган.
Ҳозирги давр заргарлари қадимги тақинчоқлар
тузатишда қадимги материал ва технологияларни
ҳам иложи боғича самарали қўллашга
ҳаракат қилмоқдалар. Бу йўналишда
тошкентлик уста Дадамухамедов муваффақият
қозонмоқда. У Бухоро, Тошкент, Фаргона ва
Хоразм заргарлик анъаналарини мужассамлаштирган
ҳолда бир қанча тақинчоқлар ансамблини яратди.

Ўзбекистон амалий санъатнинг кенг тарқалган
турларидан яна бири ёрмадўзлик (қўл вишипкаси) хунари

бўлиб, у билан турли либослар, интерер жихозлари, майший буюмлар мавжуд. Ёрмадўзлик хунари Ўзбекистоннинг барча туманларида кенг тарқалган. Аммо етакчи марказлар Бухоро, Самарқанд, Фаргона ва Тошкент хисобланади. Қашқадарё ва Сурхондарё ёрмадўзлиги ўзининг ранг-баранглиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистоннинг аҳолиси ўртасида ҳар бир жойнинг ўзига хос такрорланмас безак ва рангга эга анъанавий бош кийимлари расм бўлган. Яъни, эркин ва рангдор дўппи кийиш сурхондарёлик ёш йигит ва қизларга хос бўлса, оқ-қора рангли дўппини эса Фаргона водийси ва Ўзбекистоннинг шимолий худудида 'Яшовчи эркак кишилар кийганлар. Шахрисабз Ироқи дўппиларида кашта чизмаларини бажариш усули ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистонлик усталар безак санъати бўйича ажойиб натижаларни қўлга киритганлар. Ҳозирги замон мусаввирлари ўрта аср санъаткорлари яратган асарларни ижодий талқин қилиш йўли билан анъанавий миниатюра рассомчилигига яқинда ҳаёт бахш этдилар.

Ўзбекистон ганчкорлик санъатидаги асосий мактаблар XIX асрга келиб шакллана бошлади: Тошкент, Фаргона, Хоразм ва Қашқадарё. Маълумки, ганчкорлик санъати халқ амалий-безак санъатининг бошқа турларига қараганда меъморлик санъати билан узвий боғлиқ. Унинг аزالий хом-ашёси, ишлов берилган алебастр бўлиб, иш жараёни (катта объектларда) кўп кишиларнинг меҳнاتини талаб қилади. Дастлаб, қурилишларда маҳаллий мактабларга хос анъаналар билан боғланиш кучли бўлган. Тошкент мактабида кенг тарқалган композициялар фаргоналик усталарнинг ишларига яқин бўлиб, кўпинча ўсимлик занжиран туркумидаги нақшларни ташкил этади. Уларнинг ўйилиши ҳам бирмунча чуқур бўлиб, баъзи ҳолларда ганчнинг умумий фони бўялади.

Бухоро мактаби ганчкорлигининг техник жараёни бирмунча мураккаб. Унда уста Ширин Муродов томонидан кашф этилган - ойна устига ганч ишлаш кенг тарқалган. Тошкент мактабидан фарқли ўлароқ, Бухорода ўсимлик нақшлари билан биргаликда геометрик шакллар (айлана, кўпбурчак, қиррали шакл ва ҳоказолар) ҳам кўп ишлатилади. Хивада қўлланиладиган композициялар майда гулли нақшлардан иборат бўлгани сабабли, улар текисликда чуқур ўйилмайди.

Замонавий жараёнда ганчкорликдан нафақат девор текислиги ёки шифтларни безашда балки, устунлар, равоқлар, ҳоўияларни безашда ҳам кенг

фойдаланилмоқда. Чунки, у маҳаллий иқлим шароитига мое ом-ашё фақат оқ рангдан иборат бўлгани сабабли, ҳар қандай ўлчамдаги интерьерларга мое, ўзидан ҳаво ўтказади ва катта сарф-ҳаражат талаб қилмайди. Шунинг учун нафақат давлат аҳамиятига молик объектларда, балки, кенг аҳолининг яшаш уйларида ҳам ганчкор-ликдан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда.

Амалий санъат беағи халқнинг маънавий ҳаётида муҳим аҳамиятга эгадир. Амалий санъат қадриятларимизни ва урф-одатларимизни ўзида мужассамлаштиради.

Уларнинг ҳар бир кўринишларида маданий-маърифий турмушимизнинг мазмуни акс эттирилган.

Амалий санъат безаклари ранг-баранг булиб, улар ҳар хил маъноларни аниқлатган. Ҳозирги кунда ёғоч ва мармардан яратилган гўзал нақшли сопол лаганлар, тўқимачилик ва каштачилик маҳсулотлари, мискарлик ва заргарлар томонидан бунёд этилган ажойиб тақинчоқлар, миллий қадриятларимизнинг ўзига хос хусусиятларини намоянча қилди.

Ҳозирги даврда тадбирларни ташкил этишда, хусусан миллий қадрият маросимлари, УРФ ~ одатлари "Наврўз", "Мустақиллик" ва спорт байрамлари ҳамда бошқа сайлларни уюштиришда амалий безак санъатидан унумли фойдаланилмоқда. Халқимизнинг энг сеvimли байрамларидан бири "Наврўз" сайлдир. Унда амалий безак санъатининг нақшинкор каштачилик санъатидан фойдаланиш ўринлидир. Саҳнага миллий услубда фолкълор ансамблларининг чиқишларида амалий безак санъатидан тўғри фойдаланиш лозим. Бу ўринда миллий шаклдаги тиллаҳалли дўппи, яқтак ва гуллар билан тикилган аёллар либосларини безатишига ҳар томонлама ёндошиш керак. Саҳнага бошқарувчи йигит ва қизнинг духобага ҳошияли гуллар битилган миллий кийимларда чиқишларида нақшинкор амалий безаклардан фойдаланиш тадбир мазмунини очиқ беришда ёрдам беради.

Ўзбек халқи миллий анъаналарга бойдир. Халқ анъаналари чақалоқни бешикка солиш, қўғирмоч, мучал, суннат ва никоҳ тўйлари мавжуд бўлиб, унда амалий безак санъатининг ажойиб намуналаридан ҳанузгача унумли фойдаланилмоқда. Ёшлар тўй ўтказиладиган жойларни ўзига хос безатиш ёки ёки келин дугоналари билан палак остида гўшангага киришлари мисол булади. Ўзбек қадриятларини ўзида мукаммал акс эттирган "Чимилдиқ" спектаклида ҳам амалий безак санъатининг барча услублари: деворларни сўзана билан безатиш, ёғоч ва гул солиш санъати, кути ва сандиқлардан фойдаланиш ҳамда мискарлик асбоблари (обдаста ва дашша), миллий

либослар ва тиллақошлардан мақсадга мувофиқ фойдаланилган.

Безатувчи рассом бу саҳнавий кўринишларни безатишда аввало асар билан яқиндан танишиб чиққан ва унда кутариб чиқилган гоё буйича безатиш ишларини амалга оширади. Асардаги бош қаҳрамон келиннинг миллий либослар ва тақинчоқлар тақиб чиқишларининг мазмунини кенгроқ англашда яқиндан ёрдам беради.

Қадим-қадимдан ота-боболаримиз хунармандчилик билан дунёга таралганлар. Улар миллий анъаналаримиз ва удумларимиз асосида фарзандларига хунар ургатганлар, тарбиялаганлар. Шу тариқа хунар авлоддан-авлодга ўтиб, ҳозиргача етиб келган.

Қадимий иморатлар, иншоотларнинг ҳар бири гишт билан тикланган. Унинг ҳар бир гиштида боболар нафаси сезилади. Нозик дид билан юксак маҳорат ила ижод этиб барпо бўлган ёдгорликлар халқнинг маданий бойлиги, фахр ва гуруридир. Асрлар ижодий тажрибасини ўзида мужассам этган уста ва устазодалар санъати авлоддан-авлодга ўтиб сайқал топган. Лекин жуда кўп меъморларнинг номлари сақланиб қолмаган. Сабаби тенгсиз гўзаллик намуналарини яратган меъморлар аксари камтарлик қилиб ўз номларини биноларда ёзиб қолдирмаганлар. Улар яратган меъморий обидалар асрлар давомида маҳобатини йўқотмаган.

МАВЗУ:

Халқ амалий санъатининг удум ва маросимлар билан боғлиқлиги

РЕЖА:

1. Халқ амалий санъатининг пайдо бўлиш усуллари.
2. Зардўз сўзининг маъноси.
3. Зардўзликда кашта тикишнинг 2 асосий усули.
4. Зардўзлик санъати пайдо бўлган юрт.
5. Зардўзлик санъатининг анъанавийлиги.
6. Наққошлик санъатининг мафтункор жилваси дунёни хайратга солмоқда.
7. Меъморчилик санъатининг ўзига хослиги.

Ҳозирги замон Ўзбекистан амалий санъатининг туб асослари ўрта аср безакчилик эстетикасига бориб тақалсада, ҳунармандчиликни асосий мактабларининг услуги XIX - XX асрларда шаклланди.

VIII асрда бунёд бўлган Ўзбекистоннинг қуйма сополлари рангининг гўзаллиги, шаклининг нозиклиги ва безакларининг хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Ҳозирги кунда кулолчилик санъатининг учта асосий мактаби мавжуд бўлиб, булар: Фаргона водийси (Риштон, Гурумсарой, Андижон), Бухоро-Самарқанд (марказлари - Ёиждувон, Ургут, Шахрисабз, Денов) ва Хоразм марказлари Хива ҳамда Каттабўғ анъанавий мактаблари ҳисобланади.

Фаргона ва Хоразм сополларининг умумий жиҳатлари ўсимликлар қоришмаларидан тайёрланган ишқор асосидаги ложувард сурилиши натижасида идишлар пиширилганидан кейин фусункор мовий ранг кашф этади. Аммо безаклар таснифи ва идишларнинг шакли жиҳатидан фаркланади. Хоразмда бодия - айлана қирралари тикка ясалган чуқур кенглаган. Унинг ички юзасини усталар йирик ўсимлик шохлари шаклидаги геометрик чизмалар билан безайдилар. Э. Сапаев томонидан ясалган бодиялар узининг маҳобатлилиги, жиддийлиги билан ажралиб туради. Хоразмнинг кекса усталаридан Р. Матчонов ва М. Отажоновларнинг ишлари асосан анъанавий услубда яратилган бодиялар бўлиб, улар геометрик шаклдаги ўсимлик шохларининг бирмунча ингичка ва қисқа безакларда ифодаланади.

Фаргонанинг мовий сополлари уз шаклининг хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Уларни безашда гул ва ўсимлик шакллариининг турли намуналаридан фойдаланилган. Фаргонанинг мовий сопол марказларидан бири бўлмиш Риштон сополлари ўз бадийий ечимларининг гўзаллиги ва бойлиги билан ажралиб туради.

Риштоннинг самарали кулол усталаридан бири И. Комилов бўлиб, у шкл ва безаклари жаҳатидан хилма-хил турдаги маҳсулотларни ишлаб тикади. Бугунги кунда Риштонда талантли кулоллар гуруҳи ишламоқда. Улар орасида: И. Иулдошев, Ш. Юсупов, Р. Усмонов ва бончалар Риштоннинг бой оқ - мовий анъаналарини

ривожлантириб келмоқдалар. Фарғона-нинг оқ - мовий сопол марказларидан бири Гурумсарой бўлиб, бу ерлик усталар соноллари безакларининг ўзига хослиги, гўзаллиги, ҳайратланарли даражада сулимлиги билан ажралиб туради. Маншур уста Х. Сатимов маҳсулотларини ҳақиқий санъат асари деса бўлади. Унинг идишларида анъанавий «симметрии акс» услуби қулланилиб, оқ-мовий безак узига хослигини кашф этади. Бугунги кунда бу ерда фақат биттагина уста М. Туропов катта ҳажмдаги лаганларни яса ш билан шугулланади ва у уз фарзандларини ҳам шу ҳунарга ургатапти. Қуёш ранг, қизғиш жигарранг сополчилик анъаналарини Бухоро - Самарқанд мактабининг намоёндалари ака-ука Алишер ва Абдулла Нарзуллаевлар ривожлантириб, унутилиб кетган Еиждувон кулолчилик касбини қайта тиклашга муваффақ бўлдилар. XX аср-нинг иккинчи ярмига келиб бутунлай унутилиб кетган Ўзбекистан бадий кандокорлиги (мис уймакорлиги - чеканка) қайта тикланди. Ҳозирги даврда бу ҳунар Бухорода жуда ривож топяпти ва бу соҳада унлаб талантили уста кандакорлар ишламоқдалар. Машхур Қўқон кандакорлик мактаби анъаналарини уста М. Мадалиев ва унинг оиласи ривожлантирмоқда. Уларнинг ишлари шаклининг нозиклиги, безакларининг гузаллиги билан ажралиб туради. Хоразмда ҳам кандакорлик қайта тикланмоқда. Амалий санъатининг энг нозик соҳаларидан бири заргарлик ҳунари бўлиб, нозик дид билан ишланган турли хил тақинчоқлар Бухоро, Хоразм, Са-марқанд, Фарғона ва Тошкент заргар усталари томонидан яратилгандир. Аёллар тақинчоқлари пешонага, кулоқларга ва кукракка тақиб ҳамда осиб қўйиладиган ранг-баранг қимматбаҳо тошлар билан безатилган буюмлардак ташкил топган. Ҳозирги давр заргарлари қадимги тақинчоқлар тузатиш анъаналарини қўллаган ҳолда қадимги материал ва технологияларни ҳам иложи борича самарали қўллашга ҳаракат қилмоқдалар. Бу йўналишда Тошкентлик уста Ф. Дадамухаммедов муваффақият қозонмоқда. У Бухоро, Тошкент, Фарғона ва Хоразм заргарлик анъаналарини мужассамлаштирган ҳолда бир қанча тақинчоқлар ансамбилини яратди.

Ўзбек ёғоч ўймакор усталари қутича, таглик (подставка) безакли стол каби маиший буюмлар билан бирга уйма устун, эшик безатилган панно сингари меъморий жиҳозларни яратишда юксак натижаларга эришдилар. Бунда улар дарахтларнинг турли хилларида фойдаланган ҳолда Фарғона водийси, Тошкент, Самарқанд ва Хивалик ўймакорлар ҳаққоний етуклик даражасида бой ва турли-туман шакл ҳамда безаклар композициясини яратишга муваффақ бўлдилар. Эсталик ва ёдгорлик буюмлари сифатида интерьер ва кўргазмалар учун ҳар хил намунадаги ўймакор нақшлар билан безатилган столлар ясадилар. Таникли уста, нозик дид

эгаси А.Фай-зуллаевнинг китоб кўядиган лавхлар ясашининг ўзига хос техник маҳорати, ёшроқ уста А. Азларовнинг бу соҳадаги изланишлари - унинг қадимги шаклдаги ва мураккаб намуналарини қайта тиклаш ишлари диққатга сазовордир.

Ўзбекистонда амалий санъатнинг кенг тарқалган турларидан бири йўрмадўзлик (ручная вышивка) хунари бўлиб, у билан турли либослар, интерьер жиҳозлари, майший буюмлар безатилган. Йўрмадўзлик хунари Ўзбекистоннинг барча туманларида кенг тарқалган. Аммо етакчи марказлар Бухоро, Самарқанд, Фарғона водийси ва Тошкент ҳисобланади. Қашқадарё ва Сурхондарё йўрмадўзлиги ўзининг ранг-баранг жилolari билан ажралиб туради.

Ўзбекистоннинг аҳолиси ўртасида ҳар бир жойнинг ўзига хос, такрорланмас безак ва рангга эга анъанавий бош кийимлари расм бўлган. Яъни эркин ва рангдор дўппи кийиш Сурхандарёлик ёш йигит ва қизларга хос бўлса, оқ-қора рангли дўппи эса Фарғона водийси ва Ўзбекистоннинг шимолий ҳудудида яшовчи эркак кишилар кийганлар. Шаҳрисабз «Ироқи» дўппиларида кашта чизгиларини бажариш усули ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Асримиз бошида Марказий Осиё шаҳарларида безак гул босилган матолар кенг тарқалган бўлиб, 1930 йилларга келиб эса йўқолиб кетди. 1980 йилларда уста хунармандлар сулоласи вакиллариининг сайи-ҳаракатлари туфайли анъанавий қора-қизил ранг босилган матолар ишлаб чиқиш қайта тикланди. Ҳозир уста А. Раҳимов томонидан мазкур матонинг ажойиб намуналари яратилмоқда. Фарғона водийсининг ҳудудларида эса ушбу матони ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқдалар.

Зардўзлик санъатининг асл маркази ҳисобланган Бухоро ҳам бизнинг давримизга келиб ўз тараққиётининг янги йўлига ўтди. XIX асрда ушбу санъат сирини фақат эркакларгина билар эдилар. Ҳозирда эса ўнлаб ёш аёллар амалий санъатнинг бу турини ўз хунарларига айлантириб, келин ва куёвлар учун олтин безак гулли кийим бошлар ва ҳар хил уй жиҳоз машпий буюмлар ҳамда мўъжаз ёдгорлик буюмлари ҳамён, халтача каби бошқа нарсалар тикиб чиқармоқдалар.

1970 йилларнинг охири ва 1980 йилларнинг бошида Ўзбекистонда папье - маше пардоз-андоз қутичалари нақш-безакли буюмлар каби бошқа нарсалар тайёрлаш вужудга келди. Нақш-безакка ўрта асрлар Шарқ миниатюра рассомчилигидан олинган йўсин ва образлар киритилиши янгилик бўлди. Охирги 10-15 йил мобайнида Ўзбекистонлик усталар безак санъати соҳаси бўйича ажойиб натижаларни қўлга киритдилар. Ҳозирги замон мусаввирлари ўрта аср санъаткорлари яратган асарларни ижодий талқин қилиш йўли билан анъанавий миниатюра рассомчилигига яқин ҳаёт бахш этдилар. Миниатюрочи рассомлардан М. Болтабоев ва Т. Болтабоев, Ф. Раҳматуллаев, Н. Холматов, Б. Бобоназаров, С. Зиёмов, У. Қосимов, Ш. Рихсиев, Х. Назаров, Ж. Саидалиев ва бошқалар фаолиятларида чарм,

папъе-маше, сув ковок, мато ва қоғозга ишлов бериш йўли билан кўн хилдаги материаллардан фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар.

Ўзбекистонда гиламдўзлик қадим замонлардан буён ривожланиб келмоқда. Ўзбеклар Туркман ва Қozoқлар билан бирга яшайдиган жойларда гиламларнинг ажойиб намуналари яратилган. Мазкур гилам ва гилам буюмлари тўқипшнинг турли усулларини ўзаро таъсири нақш-безак ва колорит бўйича ўзига хос абадий тўқувчиликнинг вужудга келишига имкон яратди.

Ўзбекистоннинг кўп бадий ҳунармандчилик буюмлари маҳаллий аҳолининг турмушга кириб борган бўлиб, амалий мақсадларида фойдаланиш билан бирга улар мукаммаллиги ва ажойиб фантазия билан тайёрланганлиги жщатидан асл санъат осори атиқалари ҳамдир.

Ўзбек халқининг кўп асрлик тарихида халқ амалий санъати турлари энг ажойиб ва оммавий қисмни банд этади.

Ўзбек диёрида вужудга келиб, гуллаб яшнаган санъат турлари бемисл ва бетокрорлиги билан дунёга маншурдир. Ўзбек амалий санъати турларининг шоҳ илдизлари инсониятнинг болалиги яъни ибтидоий жамоа тузумига бориб такалади.

Қадим-қадимдан боболаримиз ҳунармандчилик билан дунёга таратганлар. Улар миллий анъаналаримиз ва удумларимиз асосида фарзандларига ҳунар ўргатганлар, тарбиялаганлар. Шу тариқа авлоддан-авлодга ўтиб ҳозиргача етиб келди.

Ўзбек халқи асрлар давомида тўплаган тажрибаларига асосланиб миллий таълим-тарбия назариясини яратди, устоз ва шогирдлап учуз ўзига хос одоб-ахлоқ қонун-қоидалар, урф-одатлари маданияти хусусан, анъана-ларини ишлаб чиқди. Шогирдлар учун насихатномалар, ривоятлар ва афсо-налар тўкиб қолдирилди.

Олтин топмагини ўргангил ҳунар, Ҳунарнинг олдида хасдир олтин зар.

дейди буюк бобомиз Абдурахмон Жомий.

Инсон онгли фаолиятининг ажралмас қисми бўлмиш бадий тафаккур ва шунга мувофиқ бадий ижодий фаолияти натижасида келиб чиқадиган эстетик бадий идрок қобилияти кишиларда оламни ундаги мавжудотлар, нарсалар ва воқеа-ҳодисаларни атроф муҳитдаги шакллар ва рангларни қайтадан акс эттиришга ҳавас уйғотади. Ўзбекистан ва умумий Урта Осиё халқларининг бизгача етиб келган санъат асарлари орасида Зардўзлик -зар ип билан гул кашта, нақш тикиш касби алоҳида аҳамиятга эга. Зардўзи кийим ва бадий буюмлар қадимдан кенг тарқалгани тарихий манбалар, археологик топил мал ар, музейларда сақланаётган кийим ва бадий буюмлардан маълум 17-19 асрларда Хирот ва Бухорода махсус зардўзлик касби авлоддан-авлодга ўтиб ҳамон сақланиб келмоқда. Зардўзликда кашта тикишнинг 2 асосий - заминдўзи ва гулдўзи

усуллари мавжуд.

1. Заминдўзи - зар тикилаётган буюм ёки кийим гул нақшнинг таги ёппасига зар билан тикилади.

2. Гулдўзи - гул нақшнинг ўзи зар билан тикилади. '•

Бу усулда зар тикишда рассомлар томонидан махсус тайёрланган гул *нақш нусхаларидан фойдаланилади. Нусха картонда киркилиб зар тикиладиган мато (асосан сидирға бахмал)га қадаб чиқилади (омонат тикилади, елимланади) зардўз шундан кейин картон нусхани зар ип билан қоплаб тикади, бир оз бўртма нақш гул ҳосил бўлади. Заминдўзи тикиш техникаси ўтмишда кимматбаҳо тўнларда қўлланилган, ҳозир зардўзи дўппиларнинг жиягидагина қўлланилади. Бухородаги зардўзлик фаб-рикасининг маҳсулотларида асосан гулдўзи усулидан фойдаланилмоқда.

Зардўзлик - зар ип билан гул нақш тикиш касби. Ҳунармандликнинг қадимий турларидан Ўрта Осиё халқларининг орасида зардўзи кийим ва бадий буюмлар кенг тарқалгани тарихий манбалар археологик топилмалар, музейларда сақланаётган кийим ва бадий буюмлардан маълум Тошкент областининг Вербский кишлоғида 1947 йил ўтказилган археологик қазишмаларда аёл қабридан 1-11 асрларга тегишли зардўзи кийим қоддиклари топилди. Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистон сафарномасида айтилишича, Шохрух замонида Шимолий Ҳиндистон билан Хирот ўртасида қатнаб турган элчиларнинг совғалари орасида зардўзи кийимлар бўлган. ХУП-ХІХ асрда Хирот ва Бухорода зардўзлик маҳалласи бўлган. Бухорода эса зардўзлик касби авлоддан-авлодга ўтиб ҳамон сақланиб келмоқда. Бухорода 2 та йирик зардўзлик корхонаси бўлган.

Ҳозир Бухоро ва Ёиждувонда зардўзлик корхоналари ишлаб турибди. Бу корхоналарда зардўзи кийим, бадий буюмлар тайёрланади. Бухорода кўпроқ янги келинчаклар зардўзи чопон, зардўзи дўппи, ҳаттоки зардўзидан оёқ кийими кийиши анъанага айланиб қолган деса ҳам бўлади.

Бу зардўзи кийимлар келинчаклар ҳуснига янада ҳусн қўшади. Бухорода зардўзлик санъати қадим-қадим замонлардан сақланиб келмоқда. Зардўзлик^дегани зар ип билан кийим ва бадий буюм тайёрловчи ҳунарманд тушунилади. Зардўзлик санъати ҳунармандчиликнинг қадимий

Курларидан ҳисобланади. Ўрта Осиё халқлари орасида зардўзи кийим ва бадиий буюмларнинг тарқалиши тархий манбалар, археологик топилмалар, III музейларда сақланаётган кийим ва бадиий буюмлар маълум.

Абдураззоқ Самарқандийнинг «Ҳиндистон сафарномаси» асарида айтилишича, Шохрух замонида Шимолий Ҳиндистон билан Ҳирот ўртасида қатнаб турган элчиларнинг совгалари орасида зардўзи кийимлар бўлган экан. Бу шундан далолат берадики, ўша даврларда ҳам зардўзларнинг маҳсулотлари қадрланган ва юқори даражада баҳоланган. ХУП-ХІХ асрларда Ҳирот ва Бухорода Зардў.пар мпқалласи бўлган. Бухорода зардўзлик касби авлоддан-авлодга ўтиб ҳачон сақланиб келмоқда. 1917-19 йиллар арафасида Бухорода иккита йирик зардўзлик корхонаси бўлган. Ҳозир Бухорода ва Ёиждувонда Зардўзлик маҳаллалари ишлаб турибди. Бу корхоналарда зардўзи кийим, бадиий буюи*1лар тайёрланади. Улар икки хил усулда тикилади.

1. Заминдўзи - бу зами н асос - нақш безагининг гулдан ташқари таг қисми: Нақш мужассамоти рангларининг янада равшан ва олий кўринида муҳим ўрин тутати. Нақш ишланган материал, унинг туб ранги ҳам замин деб аталади. Заминдўзи - зардўзликда безак заминини тўлдириб тикиш усули.

2. Гулдўзи - зардўзликда андоза асосида нақш (кашта) тикиш усули: чарм картон ёки қоғоздан қийиб тайёрланган нақш нусха матога омонат тикилади. Нақш нусха зар ип билан тўлдириб тикиб чиқилади, натижада озроқ бўртиб чиққан гул нақш ҳосил бўлади ёки сздирға бахмални ўзига рассомлар томонидан махсус нусха тайёрланиб кийим тикилади. Заминдўзи тикиш техникаси утмишда қимматбаҳо тўнларда қўлланилиб, тикилган. Ҳозир эса фақат зар дўппиларнинг жиягидагина қўллангетиб тикилади

Бухорода Зардўз фабрикасининг доврўғи Бутун Ўрта Осиёга тарқалган фабрика маҳсулотларида асосан гулдўзи усулидан фойдаланилмоқда, чунки бу усулнинг Заминдўзидан жуда катта фарқи бор.

Ҳозир Бухоро вилоятида Зардўзи тўнлар асосан келин-куёвлар кийими ҳисобланади. Фақатгина зардўзи тўн кифояланибгина крлмай зардузи дуппи, зардузи нимча, зардузи крпламали оёқ кийимлар кийиш одат тусига кириб борган. Бундан ташқари айниқса Бухоро туйларида келин-куёвлар зардузи тунлар кийиниши анъанага айланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустакиликка ришганидан кейин Бухорода зардузлик маҳсулотлари янада купайиб ватанимиз куркига курк қўшмоқда. Бу зардузлик корхоналарининг купайиб уз самарасини бераётганидан дало-латдир. Ҳозирги кунда зар дуппи, зар сузана, куёвлик, келинлик тунлари тикишда фойдаланилмоқда. Шу кунларда Зардузлик маҳсулотлари нафақат Бухоро

ёки Ҳиждувон шаҳарларида балки Қобкент, Шофиркон, Галаосиё туманларида ҳам купайиб боряпти. Ўйлашимизча бизнинг зардузларимиз узининг бебаҳо, такрорланмас, гузал маҳсулоти билан дунёни лол қилдиради.

Ўрта Осиё наққошлик санъати қадимдан дунёга машҳур. Утмишда ота-боболаримиз қурган муҳташам бинолар ҳозирги кунгача мафғункор жилва-сини йуқотмаган Юксак дид билан ишланган нақшлар бизни ҳайратга солиб келмоқда.

Миллий нақшларимиз гоётда бой мазмунга эга. Оддий қош, ик, лаган, қутича, сандиқ, беланчак, чолғу асбоблари, уй - рузгор буюмлари-дан тортиб турар жой ва жамоат девор ва шифтларига солинган нақшлар инсонни ҳайратга солади, ажаблантиради. Бу гузал нақшлар ажойиб нақдошлар томони-дан яратилган бўлиб, асрлар давомида дунё топди, ривожланди меъморилик ҳамда тасвирий санъат ривожини билан боғланган ҳолда такомиллашиб борди.

НАҚШ - арабча тасвир, гул деган маънони англатади. Қуш, ҳайвон, ўсимлик, геометрик ва бошқа элементларни маълум тартибда такрорланишидан ҳосил қилинган безаклардир. Ганжкорлик кандакорлик, кашта-дўзлик, кулолчилик, заргарлик, гилам тўқиш тўқимачилик, панжаралар ва ҳакозоларда ҳар-хил ўйлар билан нақшлар ишланади.

НАҚҚОШЛИК - санъати тарихи инсоният маданияти билан бир қаторда қадимийдир. Маданиятнинг ривожланиш натижасида рассомлик ва наққошлик ажралиб чиқди ҳамда ривожланди. Ҳар - хил археологик қазилмалар шуни кўрсатадики, наққошлик жаҳондаги барча халқларда қадимдан мавжуд эканлиги бизга маълум бўлди. Чунончи Хитойда, қадимий Эронда, Ҳиндистонда ва бошқа жойларда нақшнинг ҳар - хил турларини кўриш мумкин.

Ўзбекистон территориясидаги археологик қазилмалардан Хоразм, Суғд Бактрия ва бошқа вилоятларда нақш санъатининг ривожланганлиги маълум.

Олимларимиз Сурхондарё вилоятидаги Фаёзтепа I - II аср, Далворсинтепа I-аср бўдда ибодатхоналарида қазилмаларидан топилган раем, нақш қилдиклари орқали исботлаб берганлар. Хоразмдаги тупроққалъа заллари манументал нақшлар билан безатилгандир. Тантанали маросимларга мўлжалланган хоналардаги дабдабали ажойиб нақшларни кўриб одам ҳайратга тушади. Уларнинг бирини қарасангиз деворларга базми жамшид, ов расмлари уруш, манзаралар ҳамда диший расмлар тасвирланган. 7 - асрнинг охири 8-асрнинг бошларида Ўрта Осиёни араблар босиб олиши натижасида қарор топган ислом дини ўзидан олдинги маданиятнинг илдизига сал таъсирини утказди. Янги дин ҳамда Янги ғоя Ўрта Осиё тасвирий санъатига таъсирини утказди. Жонли мавжудотларни акс эттириш ман этилди. «Кейинчалик

юзага келган диний шарҳлар на ҳодисалар кўпроқ муросасиз йўл тута бориб равишда шундай дер эди: «Тангри ёки одамзод сувратини чи-зишдан тийилинг, фақатгина дарахтлар, гуллар ва жонсиз мавжудотларнинг расмини солинг, акс ҳолда бу қоидани бузиб қўйган киши гу-ноҳи азим қилган бўлади, деб қўркитилган. Жонли мавжудотлар сувратини чизиш ман этилишининг маъноси шундаки, худодан бошқа ҳеч ким бирор нарса яратиш у ёқда турсин, ҳатто худо яратган нарсани қайта гавдалан-тириши ҳам мумкин эмас ва бу унинг кўлидан келмаиди, акс ҳолда мусаввир худо билан бас бойлашиб, унинг иродасига шак келтирган бўлади.

Ислом талабларига бўйсуниб оқибатида жониворлар паррандалар ва одамларни тасвирлаш йўқолиб бориб наққошлик ривож топди. Араб ёзувлар ўзлаштирилди, натижада нақшлар билан унвонли ёзув услуби пайдо бўлди. Араб ёзуви нақшлар билан бирга чизилди. Араб ёзувлар ҳам безак, ҳам дуо афсунлар вазифасини бажарди. IX - X асрларда Ўрта Осиёда наққошлик санъати авж олиб ривожланди. Архитектурада ғишт қалаб нақш солиш юксак даражада ривожланиб биноларнинг ички томонига ганч, ёроч ўймакорлигини қўллаш юксак ривож топди. Агар биз XX - аср орасида яратилган, ишланган нақшларни кузатсак, ҳар бир район ва вилоятнинг ўзига хос наққошлик мактаблари яратилганлигини курамиз.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Фаргона наққошлик мактаби, Тошкент ва Хива наққошлик мактаби мавжуд.

Халқ амалий санъат турларидан яна бир нозик ЗЕБИ - ЗИЙНАТ санъати бўлмиш заргарлик алоҳида ўрин эгаллайди. Мусулмонларда Феруза, Марварид, Зумрад тоши ва бошқа тошли заргарли буюмлари бўлиб қолмай, балки соғлиқ учун, инсон руҳияти учун ижодий таъсир этган.

МАСАЛАН: Марварид - инсон организмнинг мустаҳкамлаб, юракда тушкунлик ва истирофни ҳайдайди, қобилиятни оширади, ошқозон ва жигардаги тошларни майдалайди. Феруза эса уни тумор сифатида тақилган. Ошқозон ҳамда кўз касаллигига шифобахш таъсир этган, илон чакқанда энг яхши даво бўлган, шунинг учун қадимда келинлар феруза тақишган. Ўзбек заргарлиги жуда қадимий, тарихга эга. Бу санъат турига ибтидоий жамоа тузилишида асос солинган. Археологик топилмалардан маълумки эрамизгача бўлган I - асрдан бошлаб эрамизнинг 8 - асригача Афросиёб, Далварзинтепа Холгаен, Болалик тепа чиройли ҳайкаллар девор безаклири орқали заргарлик санъати ривожланишини куриш мумкин. Тош асрининг сўнгги даврининг мунчоқлар ҳар - хил тошларнинг ҳамда суяклардан ясалган безаклар топилган. Мис даврига келиб зирак, балдоқ, билки ўзук ва бошқалар топилган. Эрамизнинг 4-5 асрларида заргарлик буюмлари ҳам ишланган улар асосан тош шишадан ишланган. 9-

10 асрлар ўртасида I та катта тешиги бўлган сулкин мушаннар куп ишланган. 14-15 асрларда Тожиддин заргар Бухоро яқинидаги Таванг шаҳрида шаган улардан ташқари Мухам-мад заргар 15 асрнинг охирида яшаган уста Али заргар Хўжа Хусан заргар номлари бизга маълум. 14 - 17 чи йилларда буюмларнинг нақш безаклари жуда мураккаблашиб кетади. 13 - 14 асрларигача заргарлик буюмларида қўшимча ҳайвонлар тасвирланган. К«йинчалик эса араб ёзувлари компази-циясига кириб ўзига хос кўриниш беради.

МЕЪМОРЧИЛИК САНЪАТИ

Қадимий иморатлар иншоатларнинг ҳар бири ғишт билан тикланган, унинг ҳар бар ғиштида боболар нафаси сезилади Нозик дид, юксак маҳорат, ёрқин даҳо билан ижод этиб барпо бўлган ёдгорликлар халқнинг маданий бойлиги, фахри ва гуруридир. Асрлар ижодий тажрибасини ўзмида мужассам этган уста ва устазодалар санъати авлоддан авлодга ўтиб сайқал топган. Ле-кин жуда кўп мемор усталар номи сақланмаган, сабаби тенгсиз гўзаллик намуналарини яратган. Меъморлар аксари камтарлик қили'о, ўз номларини биноларда ёзиб қолдирмаган. Улар яратган меъморий 'обидалар бир умр маҳобатини йўқотмаган. Бухородаги Минораи Калонн. Улуғвор ва Маҳобатли. Неча тарихий воқеалар шохиди, азиз ва муътабар боболаримизни курган табаррук ёд-горлик.

Минора 1127 йилда Арслонхон фармони билан қурилган. Яқинда унинг меъмори аниқланди. Миноранинг жимжима мавжли ғиштини безак-лари орасига муаммо қилиб устод Бақонн номи билан ёзилган экан.

Жарқургондаги пилтовор ажойиб минора мемор Али ибн Мухаммад Серохсий томонидан 1108 йилда қурилгани аниқланди. Шаҳрисабздаги улкан Оқсарой 1385 - 1400 йиллар пештокида устод Мухаммад Юсуф номи сақланиб қолган. Самарқандаги Гўр Амир мақбара, Мадраса ва хонақоҳни курган меъморлардан бири Мухаммад ибн Маҳмуд Исфаконий номини дарвозасининг пештокида ўқиш мумкин. Шердор мадрасасининг 1619 - 1635 бош меъмор Абдужаббор қаторида номинорлик ишларига Мухаммад Аваз Самарқандий қатнашганлиги бино безаклари орасидаги кичик ёзувдан аниқланди. Машҳур Шохизинда ансамблидаги бир - биридан афзал, куркам бинолар кўринишида ота - уғил Шамсиддин ва Зайниддин Бухорийлар Бариддин Самарқандий, Али Нафасий, Шайх Мухаммад ибн Хожи Бандгир, устод Фахрамий, Юсуф Шерозий, уела Сидиқ каби меъморлар қатнашгани маълум.

Мовароуннахр усталари чет улкаларида ҳам қурилишларда қатнаш-ганлар.

Меъморий усталар соҳа - соҳага булиниб, иш олиб борганлар. Меъмор усталар фаолиятини бошқариб, ягона услуб замирида иш олиб борган. Улкамиздаги ажойиб меъморчилик ёдгорликларини кузатар эканмиз беихтиёр уларни яратган усталарнинг ижодий методлари, ижод сирлари туғрисида уилаймиз. Мухаммад Хоразмий, Абу Наср Фаробийнинг, Абу Райҳон Берунийлар ҳам

меъморчилик санъатига ҳисса қушганлари ҳақидаги маълумотлар ҳам бор. Амалий математика ва геометрия доимо меъмарлар эътиборида бўлган.

Халқ меъморлари ижодида асрлар, авлодлар тажрибаси умумлашган бунини тарихий ёдгорликутарни ўрганиш орқали биламиз. Археологлар маълумотларга кўра, бошқоқли ўсимликлар донларини пишириб истеъмол қилиш мелоддан 10 - 15 минг йил муқаддам бошланган деб тахмин қилинади.

Ёрғўчоқ пайдо бўлиши билан донни тош орасида майдалаб ёрма ҳолатида истеъмол қилиш ўрнига ғалладан ўн тайёрлаш ва хамир қориб, қизитилган тош устида ёки нурга қўйиб нон пишириш мумкин бўлди. Дурожни кашф этилиши ҳамда ўчоғ, тандир, тава ва нон пишириш воситаларининг яратилиши ва тақомили билан ундан нон тайёрлаш янги, ҳозирги замонга қадар давом этиб келаётган босқичга кўтарилди. Ёнг муҳими дрож билан кўпчитилган хамирдан пиширилган нон ҳам иссиқлик ҳамда ўз буғига пишади. Пишган нонда жуда кўп роваклар ҳосил бўлади. Ноннинг ғовақдор бўлиши унинг организмда ҳазм бўлишини осонлаштиради. Нон, ноннинг пайдо бўлиши миллий нон хиллари ва унинг ривожини билан боғлиқ барча сирларни ҳар бир киши билиши керак.

Урф - одатимиз, анъана ва удумларимиз, ҳаётимиз ва ҳар бир кунимиз бевосита нон билан боғлиқ. Ёки ёшнинг тақдир ишлари ўланишида ҳам нон ушатилади. Одатга кўра узоқ сафарга, жангу - жадалга жўнаётган яхши ният билан бутун патирни тишлатиб олинади. Боболаримиз йўлга чиққанда «ҳамроҳ бўлсин» деб белларига нон боғлаб юришган. Нон шундай улур ва азиз. Чунки, нон одамнинг тоза қони, тирикчилигининг насибаси.

Бизнинг ҳеч бир удумимиз нонсиз ўтмайди. Шу маънода нон байрамини ташкил этиш ва уни ўтказиш муҳим аҳамиятга эга. Бу шунчаки байрам эмас, бу аввало миллий анъана ва инсоний қадриятларимизни юксалтириш, уни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги дастлабки қадамдир. Нон синдириш никоҳ тўй маъросимларидан. Нон синдириш Ўрта Осиё халқларида, ўзбек - тожиқларда қатъий одатга айланган. Нон синдириш отанинг совчи юборган оилага қизини узатишга рози эканини, ваъда қатъий ва муқаддаслигини шунингдек кусв - келин, қудо оилалар аҳил бўлишига билдирилган истакни ифодалайди. Нон ҳамма озиқ - овқатлардан устун ва ширин. Нон ҳамма озиқ овқатларнинг султони. Шу-нинг учун икки ёшнинг бахттига, кслажагига гувоҳ, дадил ва ишонч учун нон синдирилади.

Халкимиз бир неча минг йиллардан бери нонни кузларига суртиб, эъзозлаб, ардоқлаб келаябди.

Ўзбек халқи бундай удумларга, маъросимларга

ҳамда анъанавий байрамларга жуда бойдир.

Ҳар бир миллатнинг урф - одатлари турли даврларда, турли тарихий ва иқтисодий шароитда, маданиятнинг, турли босқичларида вужудга келади.

Она ва бола муносабатининг шаклланишида «Алла» нинг ўрни хусусида

Ёшлар порлоқ келажагимизнинг пойдевори ва жамиятимизда салоҳиятли урин эгаллаганлиги билан ҳар доим ҳукуматимиз диққат марказидадирлар. Ҳаммамиз Ўзбекистан Республикаси мустақиллигига эришган кундан бошлаб ўсаётган ёш авлодни жисмоний, маънавий, ахлоқий жихатдан тарбиялаш ишларига давлат раҳбарияти томонидан алоҳида эътибор қаратилаётганига гувоҳмиз. Шу боис ёшлар тарбияси бугунги кунда ҳар бир ота-она, мураббийларнинг асосий вазифаларидан бири бўлмоғи керак. Унга бурч ва маъсулият нуқтаи назаридан ёндошиш маънавий ва жисмоний соғлом авлодни шакллантириш гаровидир.

Чунки, ҳар бир инсоннинг, ҳар бир оиланинг, ҳар бир онанинг жамиятимизнинг муқаддас вазифаси - қобилиятли фарзандларни ўстириш, уларни жисмоний ва маънавий томондан етук қилиб тарбиялаш, ота-онасига, Ватанига содиқ инсонлар этиб вояга етказишдан иборат. Ўзбекистонимизнинг биринчи Конституциясида «Оила - жамиятнинг асосий бўтини, оналик ва болалик давлат томонидан химояланади. Вояга етган, меҳнатга яроқли болалар ўзларининг ота-оналарига ғамхўрлик қилиши шарт», деб кўрсатилган,. Бу ишончли ҳуқуқий қафолатларда халқимиз босиб ўтган узок ва ёрқин тарихий йўлнинг ўлмас анъаналари, мерослари ётибди. Ахир, ота-онага, бир-бировига мурувват, иззат ҳурмат буларнинг барчаси асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб, бизгача етиб келган ва қонимизга сингган энг ардоқли хусусиятлардир.

Миллий урф-одат ва қадриятларга тўла халқ яшар экан, унинг умри қўшиққа ҳамроҳ. Қўшиқ уни бешикдан қабргача кузатади. Халқ томонидан йилнинг ҳар бир фаслида куйлаган қўшиқнинг ўзгача таровати-ю, ўзгача курки, ўзига хос мазмуни, шаклу-шамоили бор. Ана шу мазмундорликни хали ҳам Онанинг меҳр байти бўлмиш алласи орқали жажжи чақалоқ аста-секин англай бошлайди. Дарҳақиқат шу гўдак учун она сути ва алласи инсонни тирик мавжудот олдида Ватан деб аталмиш таббарук замин олдида бурчдор қилади. Фақат она алласигина жажжигина чақалоқ қалбига муҳаббат, шавқат, оқибат, имон ва инсоф туйғуларини жойлайди. Инсон дунёга келиб англаган илк қўтхшқ она алласидир. Агар она алласининг сеҳрли мароми, дилгир оҳанги, самимийликка тула ҳазин мазмуни бўлмаганда эди, турфа оламни суз жилоси ва унинг сеҳрини инсоният англаб етмаган ёки гўдакни ўзига ром эта олмаган булар эди. Шунинг учун ҳам алла она қалбидан, унинг қайноқ меҳридан сизиб чиқадиган кушиқдир. Шу сабабли у мургак қалбни мафтун этади ва оромбахш уйқу кучоғига элтади.

Тол ичинда танлаб олган,

Тол говконим болам, алла.

Гул ичидан искаб олган

Гули райхоним, болам, алла.

Кули арслоним билаклим,

Ботир қоплон юраклим,

Яхши-ёмон кунимда

Менга жуда кераклим.

Алла болам алла-ё
Жоним болам алла-ё.

Она алласининг ижроси ва мазмуни нихоятда сеҳрли, ҳамда гузалдир.
Гузаллик эса турфа оламнинг яратувчиси. булмиш онанинг қай^ноқ меҳрига муҳрланган булса ажаб эмас. Шу боис табиатнинг энг гузал онлари оналарнинг сокин,
дилгир алласи билан сеҳрланган. Она алласидан сеҳрланиб хатто осмондаги ой ҳам, ой
остидаги хира милтираётган юлдузлар ҳам, борингки бутун замин, мавжуд коинот ухлаб қолса ажаб эмас.

Ажаб эмаски, инсон шу уйқудан барча ёмон хислатларни унутиб уйғонса. Ажаб эмаски, коинот мусаффолашиб кетиб ҳаёт нурли нафас билан инсонларга бутун жонзотларга ризқ ато этса. Она алласи шундай сеҳр-қудратга, шундай файзу-барокатга эга бўлган қўшиқ. Шунинг учун ҳам она алласининг мавзу қамрови кенгдир. Шунинг учун ҳам она алласида фарзандга сихат саломатлик, порлоқ келажак тилагидан тортиб, бевафо дунёнинг барча найрангу-нолалари жо бўлгандир.

Оқ уйимнинг ойнаси алла
Қора уйимнинг бўйраси , алла,
Кўрганда кўзим ойнаси, алла,
Кўтарганда қўлларимнинг майнаси , алла
Пахлавоним, эркали болам алла.

Ҳа, оналарнинг фарзандига, бешик ёнида айтган лирик куйлари алла номи билан юритилади. Алишер Навоий эса «Алла» айтишни «Навогу» деб атади

Кўзининг нози элдан элтиб уйқу
Анга уйқу кетурмакка навогу

Алла сўзи тур ли халқларда хилма-хил сўзлар билан англанади. Масалан: туркларда - «нини», татарларда «элли», «белли», қорақалпоқларда- «хейя-хейя», русларда - «баю-баю» ва бошқаларнинг номи ҳар хил бўлишига қарамай вазифалари бир - болаларни ухлатиш, овутиш учун оналар тилидан айтилади.

Улуғ ҳаким Абу Али Ибн Сино «Алла» ларини бола "тарбиясидаги ўрни ҳақида: «Боланинг мижозини кучайтирмоқ учун унга икки нарсани қўлламоқ керак . Бири болани секин-секин тебратиш, иккинчиси уни ухлатиш учун одат бўлиб қолган мусиқа ва аллалашдир. Шу иккисини қабул қилиш миқдорига қараб боланинг танаси билан бадан тарбияга ва руҳи билан мусиқага булган истеъдоди ҳосил қилинади» (Тиб конунлари).

Аллалар баднийати жихати билан гўзал бўлиб, оналарнинг ички туйғуларининг баёни сифатида халқ ижодининг бошқа турларидан ажралиб туради. Улар она томонидан садо куйлар билан ижро этилади. «Аллалар кўпинча, оналарнинг бадиагўйлик маҳсулидир.»

Бешиқ қўшиғи саналмиш аллаларнинг ички харорати, жозибаси уларнинг оналар ҳаётини тажрибаси, ҳамда шахсий таассуротлари таъсирида пайдо бўлади. Яъни она алласида унинг руҳий ҳолати, ички дунёси ўз аксини топади.

Айланайин, оппоғим,
Васлингни излаб топморим,
Тўй-йиғинлар бўлганда
Отни олиб чопмоғим,
Алла болам, алла- яй
Жоним, болам, алла-йай
Синли, синли синбатлим,

Наъра шердай ҳайбатлим,
Ку дай шунқор келбатлим,
Улуғ шохдай савлатлим Алла болам, алла-яй Жоним, болам, алла-яй.
Қора қошим кундузим, Кўзи тонгдай юлдузим,
Туй-хайитлар булганда
Кийган туни кирмизим.
Алла болам, алла-яй
Жоним, болам, алла-яй.

Алланинг ахамияти тўғрисида халқ ижодида шундай бир ривоят бор. Вир оиланинг қизчаси йўқолиб қолади. Қизча катта бўлиб бўйи етиб қолганда уни топишга муваффақ бўладилар. Бироқ қизча ота-онасидан ётсираб олдинги яшаган жойига кетишни истайди. Шунда онаси ўз қизига бир кеча тунаб кетишини илтимос қилади. Қизи рози бўлади. Ярим кечада она уйқудан туриб, бешикда ётган укасини ухлатиш бахонасида алла айтади. Ёшлигида эшитган алласининг оханги мазмун ва сеҳри қизни қалб торларини жунбушга келтиради. Алла орқали ўз онасининг меҳрини хис этади ва Сиз менинг онам экансиз - деб онаизорини кучоқлаб олади. Алла сеҳри орқали улар мурод-мақсадларига етишади. Она алласи гўдакни вояга етказувчи воситагина бўлиб қолмасдан балки замину-замонни тарбияловчи кудратли қўшиқ, муъжизакор санъатдир.

Она алласи умумбашарий қимматга эга, у чегара билмайди. Жамики элат ва миллат гўдаклари Она алласини бир хил тинглайди, ундан ором олади. Она алласини эшитган нотинч бола тинчийди. Гўдакнинг илк бора тинглайдиган қўшиғи Она алласи бўлса, Ватан эса остонадан бошланади. Она алласи - боланинг бешиги тепасида биринчи бор янграб, умр бўйи эшитадиган дилрабо куйларнинг дебочасидир. Шу сабабли момоларнинг айтишича алла оханглари онанинг бутун вужудидан, унинг етмиш икки томиридан оқиб келар эмиш.

Алла айтиш билан она ўз қалб дафтарини очади. Жаҳонда нимаики оқ бўлса, унга она сути тимсоли, нимаики жўшқин ва қайноқ бўлса, унга ҳам она меҳри тимсол, нимаики чидамли, сабр-тоқатли булса, она иродаси тимсолидир. Шунинг учун ҳам биз она юрт, она Ватан, она тилим деймиз.

Она алласида болаликнинг илк бора қалб тебранишлари, эхтиросли садолари ўзига хос ифодааланган. Боланинг қулоғи Она аллалари туфайли назокатли, муъжизакор охангини сузнинг сеҳрли олами билан ошно бўлади.

Она ҳар доим уз фарзандини уйлаб яшайди. Унинг ўсиб улғайиши, камол топиб, эл-юрт хизматини бажо этиб, дилига қувват, ҳаёт йўлини нурли чироғи бўлишини истайди. Ана шу истаклар меҳр байтлари сифатида она алласида жило топади. Чақалоқни парвариш этиш маъсулияти онада беҳад каттадир. Чақалоқни ана шу мураккаб маъсулиятни ўз зиммаларига олиб, беқиёс инсоний меҳрибонлик эвазига болаларини тарбиялаб ўстириш орқали мамлакатнинг келажаги, эл-юрт химоячиси бўлган тарихий қаҳрамонларни улғайтиб, тарбиялаб вояга етиштирган. Бу йўлда албатта алла уларга мадаккор бўлган. Аллалар яъни боланинг бешик даврида раҳнамолик кўрсатган, она хонадонимиз курки, сеvimли соҳибадир. Улар меҳри даре қалби пок, тилимиз ва дилимизнинг қувончи, қўшиқ ва куйларимизнинг яратувчисидир.

Алишерга алла айтиб ухлатган Сиз она
Оғушида Бобур камолга етган Сиз она
Ким дейсизми биринчи куйчим
Алла айтган онажон онам

Кўзларимнинг нури ҳам ундан
Юрагимнинг кўри ҳам ундан
Онам умр бўйи йўлдошим
Хузурида эгикдир доим бошим.

Ҳақиқатдан ҳам оналарнинг нурли нигоҳида меҳр тобланиб, чехраси ял-ял ёнаётган мафтункор сиймоларга боқиб, унга бир умр таъзим этгинг, меҳр булоғидан қониб бахраманд бўлгинг келади. Ҳаётимиз нурафшон этган саховатлилик, меҳр-муҳаббатни, барча олам гўзалликларини бахшида этган ҳам онадир. Ўзбек аёли, ўзбек онаси - меҳрибон она, вафодор рафиқа жамиятни бошқарувчи бир кўли билан бешикни, бир кўли билан дунёни тебратувчидир.

Шунинг учун хдм оналар алласи дунёни тебратишга қодир. Она - аёл келажагимиз эгалари бўлмиш, фарзандлар тарбиясида маъсулиятли шахсдир. Болаларнинг чехрасидаги табассум она қалбидаги осойишталик рамзидир. Оилада осойишталик, тинч-тотувлик, файзу- барокат кайфиятни аёл яратади. Оила кема бўлса уни бошқарувчиси аёлдир. Ширин таомлар тайёрлаб, рўзғорларни саранжом-саришта, фарзандларни мунчоқдек озода, покиза, ораста қилиб ўстириш ҳам онага боғлиқ. Одамзод онгли ҳаёт бошлаган замонлардан бери инсоният оналарга ихлос қўйиб, уни севиб, асраб-ардоқлаб келади. Оналар бундай эъзозга муносиб, улар илк меҳрини қўшиб, бажараётган оламшумул ишлари билан эъзозлидирлар.

Пайгамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссалом - завжалари Ҳадича онамизни пайгамбаримизга кўрсатган меҳр-оқибатларини, Сароймулк Хонимнинг ҳамма вақт катта жангу-жадалларда ҳам Соҳибқирон Амир Темур хазратлари билан ҳамнафас бўлганликларини, Анжуманбону-Мумтозмаҳалнинг давлат ишларини бошқаришида, саховатли бўлишда Шохжаҳонга ҳамфикр бўлганлигини, Мохларойим, Нодиранинг Умархон саройида назм сатрлари билан маънавият баркамоллигини ихтиёр этганлигини, Авлиё-биби - Робия онамиз, Анбар оналар, туркий қавм оналарининг азиз пирлари, раҳнамолари сифатида ўз даврида эъзозланадилар. Инсоният тарихида юзлаб, минглаб барча зотларнинг ота-оналари ана шундай парҳезгир инсонлар бўлганлар. Шунингдек Ислом оламининг буюк имоми имом Ал Бухорий тасаввуф оламининг тенгсиз зотлари имом Ал Ғаззолий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Юсуф Ҳамадоний, Баҳовуддин Нақшбандий, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Пахлавон Маҳмуд, Занги Ота каби буюкларнинг буюклигида она алласи, ҳикматининг беқиёслигидадир. Ўл зотларнинг оналари ҳеч кимнинг назари тушмаган, моҳичеҳра, меҳриғиё каби зиё оналар бўлганликлари тарихий манбаларда қайд этилгандир. Она шундай буюк аجدод-авлодларимизнинг улур сифатларини давом эттирувчисидирлар.

Она алласининг зиёсидан бахраманд бўлган юртимиз ёшлари ҳам янги асрда аждодларига муносиб ворислар бўлиб, момолари, ота-боболари яратган асрий қадриятларга меҳр қўйиб давом эттирмоқда.

Алла қайси тилда жарангламасин барчанинг қалбига йўл топади. Ундан каттаю-кичик бирдай бахраманд бўлади. Бугунги нурафшон кунларда бешиқларимизда соғлом ва баркамол авлод она алласидан сеҳрланиб, баҳра олиб, тинч осуда ором олмоқда. Истардим-ки Ватанимдаги ҳар бир боланинг, жажжи гўдакнинг тепасида меҳрибон онаси алла айтсин. Ана шу алладан ором топган гўдақларимиз қалбига юрт меҳри, оқибат ва муҳаббат мурғаклигидан кириб борсин.

ШАРҚОНА УДУМ, РАСМ-РУСМ ВА МАРОСИМЛАР (МЕҲМОННАВОЗЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ УДУМЛАР)

РЕЖА

1. Меҳмоннавозлик - олий фазилят.
2. Меҳмон кутиш ва зиёфатни бошқариш.
3. Дпстурхон тузаш ва меҳмонларни жой-жойига ўтқозиш.

Халқимиз меҳмон келишини кўпгина яхшиликларнинг рамзи деб билади. Меҳмон келганда у билан хол ахвол сўрашиб, самимий суҳбатлашади. Узоқ-яқиндаги дуст биродарлар эсга олинади. Меҳмон мезбонга қариндош-уруғ ва дустларининг илиқ мухаббати ҳамда саломини топширади. Шундай ҳам бўладикки, уришиб қолганлар ҳам меҳмон келиши туфайли ярашиб оладилар, ўтган дилсиёхликлар, оилавий жанжаллар унутилади, араз, гиналар барҳам топади. Хурсандчилик, ахиллик бошланиб кетади.

Халқ хикматларидан бирида шундай дейилади: «Меҳмонинг душман булганда ҳам хурматини жойига қўй. Ҳатто кўлида болта тутган дарахт кесувчига ҳам дарахт соя солибтуради». Шунинг учун бўлса керакда, бир хонадонга келган меҳмон у ховлидан бу ховлига чақирилиб, унга иззат-икром кўрсатилади. Бу ҳам бежиз эмас, чунки, бегоналар меҳмон туфайли танишиб, бир-бирларини дурустроқ билиб олиш имконига эга бўлишади.

Уйига кўп ва тез-тез меҳмон келиб турган кишининг жаомат, маҳалла-куй ўртасида обрўси ортади. Негаки, меҳмондўстлик кишидаги худбинлик каби ярамас хусусиятлар ўрнига коллективизм, инсонпарварлик, одамгарчилик каби ижобий хислатлар, кўполлик, кўрслик сингари ёмон қилиқлар ўрнига хушфёъллик ва хушмуомилалик каби сифатларнинг шаклланишига сабаб бўлади.

Меҳмон келиши озодаликка ва шахсий покизаликка ҳам сабаби бўлади. Ивирчиқ жойлар тартибга солинади. Уй-жой, ховли кўчалар супурилиб, сув сепилади. Идиш товоқлар ва барча уй анжомларини аввалгидан ҳам озодароқ тутишга ҳаракат қилинади. Меҳмон ҳам мезбон ҳам ораста кийиниб оладилар. Тутилмаган буюмлар меҳмон келган кундан бошлаб ишга солинади, хуллас, меҳмон келган уйнинг чироғи равшан ёнади. Меҳмон маслахятнинг сидқиллиги, меҳнат эвазига берилган мукофотга ўхшайди.

Меҳмон олиб келган нарса бизда табарруқ ҳисобланади. Нозу-неъмат келтирган бўлса, «мозор босди» деб кўзларга суртилиб ейилади ва оздан бўлса ҳам қўни-қўшни ва бола-чақаларга улашилади.

Меҳмоннинг келиши айниқса, ёш болалар учун жуда қувончли воқеа бўлади, улар ўз ўртоқларига: «Бизникига меҳмон келди», деб айтишади ва севинишади.

Чунки меҳмон келиши билан болаларга нисбатан мухаббат ва диққат-эътибор янада кучаяди. Уларнинг ўқиши, ҳунар ўрганиши, оила юмушларига ёрдам берадиган бўлиб қолганликлари макталади.

Меҳмонни ўзбек шунинг учун ҳам севадики, меҳмондўстлик катта бир ооб-ахлоқ мактаби. Бир томондан у кишини қобил, зийрак, хушфёъл, лутф-карамли қилиб тарбияласа, иккинчи томондан рўзғоршунос бўлиш, таом тайёрлашни билиш, покиза бўлишни ўргатади. Бу кишини характерда шинаванда, одамшаванда, суҳбатда шакаргуфтор, улфатижон бўлишини шакллантиради.

Меҳмондорчилик одамларнинг бир-бири билан иноқ иттифоқ бўлиб яшаши учун биргалашиб дам олишларини ташкил қилиш учун, қариндош уруғ ва дўстларникига тез-тез борди-келди қилиш учун энг яхши воситалиги сақланади.

Ўзбек халқи ўзининг оғзаки ижоди билан ҳам маданият хазинасига

салмокдор ҳиссалар кўшган. Шундай ижоднинг бир тури мақоллар ва ҳикматли сўзлар бўлиб, шулар орасида меҳмон, мезбон, меҳмондўстлик ҳақида айтилганлари ҳам кўп. Улар ахлоқ ва одобга тааллуқлилиги, тарбиявий аҳамиятга эгалиги билан эътиборимизни ўзига тортади. Эслатиб ўтиладиган шу мақол ва ривоятлар турмушдаги характерли ҳодисаларни маиший ҳаётда содир бўлган воқеаларни, айрим кишиларнинг яхши фазилатлари ёки ёмон одатларини умумлашган хулосаларда ифодалаб беради. Меҳмонлик ва мезбонлик вазифаларини ўтаганда ёшларимиз шуларга эътибор қилсалар одамийлик вазифаларини эгаллаб бораверади.

Таклифингиз билан келган меҳмон ўз ихтиёри билан кетади, уз ихтиёри билан келган меҳмон эса, сизнинг ижозатингиз билан кетади. Халқ орасида бу ҳолатга бағишланган мақол бор.

Келмоқ ихтиёр билан, Кетмоқ ижозат билан.

Меҳмоннинг тасодифан келиб қолиши натижасида уйда ноз-неъматлар ҳозир эмаслигидан мезбон ташвишга тушиб қолмаслиги учун ҳам у озгина нарса билан меҳмонни хурсанд қилиши мумкинлигини доимо эсда тутиши зарур: Меҳмон келар эшикдан, Ризқи келар тешикдан.

Ёки:

Йўқча гуруч ош бўлур, Меҳмон кўнгли шод булур.

Уйингизга келган меҳмон уятчан ва одобли булади, шунинг учун: «Меҳмон сўраб емайди», «Сўраб бергунча, уриб бер», деган иборалар ҳам доим мезбоннинг ёдида булиши зарур.

Хуллас, юқорида келтирилган ҳамма мақолларнинг маъноси «Меҳмон отадан улуғ» мақоли билан яқунланади.

Меҳмонга нисбатан не чоғли ҳурмат қилсанг, ҳурмат эҳтиромли булиш шулардан маълум.

Ривоятларда ҳам ҳаётӣ, ижтимоӣ, тарихӣ ҳодисалар билан боғлиқ ёки урф-одат орқали майдонга келади. Ҳамда уларнинг ибратли томонлари, тарбиявий аҳамияти катта ва таъсирли бўлади.

Ёру биродар, қариндош-уруғ ва дустларникига тез-тез бориш-келиш қилиб туришни энг яхши инсонӣ фазилатлардан бири деб билади халқимиз. Ўз уйига келган ҳар бир меҳмонни яхши мезбонлар очик кўнгил билан кутиб олишлари ҳам бир фазилатдир.

Дарахтки бор унга қуш қўнади, демак, унга албатта меҳмон келади. Меҳмондўстлик наинки инсонӣлик боғидир, балки шу боғнинг энг ширин мевасидир.

Илгарилари огоҳлантирмасдан ҳам хоҳлаган вақтда мезбонникига ташриф буюрилаверар эди. Баъзан меҳмондорчилик жуда авжига миниб, узоқ давом этгандан халқ орасида «Яхши меҳмон уч кунлик» деган нақл ҳам пайдо булган. Лекин бундан меҳмондорчилик чегараланган экан, деган хулоса келиб чиқмайди. Меҳмондорчилиكنинг вақти, соати меҳмоннинг хоши ихтиёри ва мезбоннинг иззат-икроми билан белгиланади.

Ариқчадан сув ўгмаса гиёҳ қовжираб қолганидек, уйи меҳмон келмаган киши одамгарчилик дарёсидан баҳра ололмай қолади. Бировни илиқ илтифот билан кутиб олган киши эса ўзига бўлажак ана шундай илтифотлар ҳосили учун кучат эккандай бўлади. Шу сабабли ҳамма халқларда бўлгани каби, ўзбекларда ҳам меҳмонни анвойи таомлар билан зиёфат қилиш одати бор. Ўзбекистонда ана шундай таом - паловдир.

Азиз меҳмонга бир қисм серлаззат ош едириб юбормаган хонадон бўлмаса керак,

Ўзбекистонда.

Ҳар бир шаҳарда меҳмонга тегишли илтифот кўрсатиш йўлида ҳамда мезбон яшаб турган жойнинг ўзига хос хусусиятларини ифодалаш мақсадида палов пиширишнинг кўпдан-кўп усуллари мавжуд бўлган. «Фарғона палови», «Самарканд палови», «Хоразм палови» кабилар шулар жумласидандир. Ҳозир 60 та палов тури мавжудлиги бизга маълум.

Келган меҳмонга дархол қатик таклиф этиш, ёки нонуштасига албатта қатик бериш, айниқса, Наманганда яхши одат тусига кирган. Сабаби, бу ерда мезбонлар қатик ичишнинг инсон учун кўпгина фойда келтиришини назарда тутди. Шу билан бирга узок жойдан келиб, сув ва ҳаво ўзгартирган кишини лоҳас бўлишидан ҳам сақлайди.

Самарқандда меҳмонни ширин шарбат, хўл мевалар, машхур пўлодий ва осиевий нонлар ҳамда қаймоқлар билан сийлаш, сўнгра эса мурч сепилган чучвара ва тўғрама палов билан зиёфат қилиш одати бор.

Бухорода майиз палов ва яхлит қилиб пиширилган барра кабоб, областнинг чорвадор районларида эса янги сўйилган кўзи гўштининг шўрваси ва кабоби меҳмон ҳурматининг рамзига айланиб кетган.

Сурхондарёликларга кўноққа борсангиз, хушбўй кукчай билан бирга арча ўтинида пиширилган тандир кабоб келтирилиб, ҳурматингизни жойига қуядилар.

Хоразмликлар меҳмонни тилёра қовунлар, махсус тайёрланган палов билан сийлашади.

Корақалпоқнинг балиқ кабоби билан кулчатойини еган меҳмон у ёққа яна бориши турган гап.

Кўкон, Фарғона ва Андижонда яхши бир одат бор. Меҳмон келганда хонадонга ҳурмат юзасидан кўшнилари дастурхон чиқаришади. «Меҳмон уз ризқ-рузи билан келади», каби нақллар эҳтимол шу одатнинг таъсири туфайли пайдо булгандир.

Ўзбеклар учун меҳмоннинг муҳими ёки номуҳими, каттаси ёки кичиги деган гап булмайди. Остонадан қадам ранжида қилган ҳар қандай киши бир пиёла чой ичиб кетишга ҳаққи бор, чунки у меҳмонда... Шунинг учун биз ҳамма вақт меҳмон кутиб уни сийлаш учун ҳозир-нозир бўлиб турамыз.

Қарияларимизнинг ёшларга қиладиган бир насиҳати ҳам бор: «Ҳамма вақт ёдингда бўлсинки, тушликка овқат пиширсанг кўпроқ қил, чунки тушингга кирмаган киши меҳмоннинг бўлиб қолиши мумкин. Бирга баҳам кўрасан». Ўзбекда яна шундай тушунчалар бор: «Икки кишилик овқатга уч киши тўяди, учкишилик таомда беш кишининг ризқи бор», бу ҳам халқимизнинг баррикенглиги, меҳмонсеварлигидан яна бир дарак эмасми. Ўзбек меҳмондорчилигида қайси уйга қадам қўйманг, дархол дастурхон ёзилиб, ширинлик келтиради. Овқатланиш қоидасига кўра, овқатдан илгари ширинлик истеъмол қилиш иштахани қирқади, дейишади, лекин, меҳмон дастурхонига ширинлик қўйиш иштахани бўғиш учун қилинмайди. Бу меҳмондорчилик ширин бўлишига ишора ва меҳмон хуш кўринганлигининг рамзидир. Одатда, дастурхонга турли хил қиём, холва, канд-курс, майиз, туршак каби ҚУРУҚ мевалар қуйилади. Ҳозирги вақтда ажойиб конфетлар, тортлар меҳмон дастурхонини янада серфайз қилади.

Ўзбекларда меҳмонга сарпо кийдириш одатининг икки маъноси бор. Бири -УЗИНИНГ яқин кишисига, қариндошига сарпо кийдирганда узоклашмаслик, бегоналашмаслик, ҳамжихатлик истаги билдирилади. Иккинчиси - бегона кишига сарпо кийдирса, у билан дустлашганлик билдирилади.

Меҳмондорчилик аввало одамларни меҳмонга таклиф этишдан бошланади.

Мехмонга таклиф этиладиган одамнинг вақти бор йўқлигини билиб олингандан кейингина уни меҳмондорчиликка чақиришингиз мумкин. Меҳмон бевосита ёки таклифнома орқали, ёхуд бировдан айттирилиб таклиф қилинади. Бу меҳмондорчиликнинг мақсади, вақти соати ва шакли аниқлантирилган бўлиши шарт. Қандай тоифа одамлар қатнашишини ҳам ҳар бир чақирилувчи билиб қўйса, ёмон бўлмас эди. Таклиф этилувчиларга меҳмондорчиликнинг не мазмунда ижро этилишини билдириш билан, меҳмоннинг келиш-келмаслиги унинг ўз ихтиёрига хавола қилинади. Чунки, ҳар бир киши меҳмондорчиликнинг ҳамма турларига ҳам боравермасликлари мумкин. Агар чақирилганлардан баъзилари келмай қолса, бу улар учун сиз ташкил этган шаклдаги меҳмондорчилик маъзур эмаслигини билдиради. Меҳмонлар келгунча уй-жойни озода, саранжон ҳолга келтириш билан бирга мезбон ҳам янги ёки тоза уст-бош кийиб олиши яхши.

Меҳмонлар келадиган вақтда дарбоза очиқ туриши керак. Меҳмонларни эшик олдида самимият ва очиқ кўнгиллик билан кутиб олиш лозим. Совга олиб келганларга ҳам, самимий салом билан келганларга ҳам баробар миннатдорчилик билдиришни унутмаслик керак. Сўнг, меҳмоннинг ечинишига ёрдамлашиш ва қўл ювганда сочиқ тутиш зарур. Бунда меҳмоннинг қўлига сув қуйиб туришдан қўра, унинг ўзига қўйиб берган маъкул. Акс ҳолда, меҳмон ийманиши мумкин.

Замонавий меҳмондорчиликда шундай яхши одат ҳам борки, меҳмон дастурхон ёнига келиб ўтиргач, энг аввало иссиқ чой келтирилади. Мабодо дастурхон ҳам, чой ҳам тайёр улгурилмаган бўлса, меҳмоннинг зерикиб қолмаслиги учун радио ёки магнитофон лентасини қўйиб бериш, оила аъзоларидан бири меҳмон ҳузуридан кетмай, суҳбатлашиб ўтириши яхши одат.

Барча келиб дастурхон атрофига жойлашганда мезбоннинг меҳмонларни таомга ундаши лозим. Ҳаддан ташқари қисталанг қилиш ҳам ярамайди. «Садди Искандарий» достонида меҳмонга қисталанг қилиб овқат едириш ёмон одат эканлиги тўтрисида

Алишер Навоийнинг ажойиб фикрлари бор.

Пайопай асонқурини айлаб равон, Емакдан бўлиб ожиз у нотагон. Анга сен едурмак учун сўз била, Тикиб кўзки, онинг егон кўз била. Анинг олдиға ҳар табақ ким етиб, Ҳам ул ош таъмини тариф етиб, Борин ул есин деб, бу авсоф эрур. Бу беобод қилмоқ не инсоф эрур? Не қилмиш бу, меҳмонни ўлдирга сен, Анга ялбариб захр едиргайсен.

Меҳмонга бирор нарса узатишда мана, манг, мана ушланг каби иборалар билан эмас, қани марҳамат қилсинлар тарзида мурожат этилса, яхши бўлар эди.

Билингки, меҳмонлар мезбонни қандай таомлар билан зиёфат қилганига қараб эмас, зиёфатни қандай уюштирилганлигига қараб баҳолашади.

Таом ейиш чоғида ёки ҳамма тўйгач меҳмонларга ош ошатиш жуда ёмон одат. Ҳозирда ҳам гарчи ахён-ахёнда бўлсада бу одат меҳмондорчиликда учраб туради. Ошатиш аксинча ҳурматсизлик белгиси бўлиб, ҳар жихатдан меҳмонни беҳузур қилиб қўйиши мумкин.

Ошатиш одатини ўтмишда кўнгли қора одамлар келтириб чиқарган. Ош ўртасига суяк жойлаб едириб, ўч олмоқ мақсади кўзланган. Ошовчи суяк борлигини сезиб қолган тақдирда гаров ўйнашга йўйиб юборилган. Хуллас, ошатиш одатини тарк этган маъкул.

Меҳмон кутган мезбон ўз оиласидаги камчиликлар, етишмовчиликлар, хафаликлар тўғрисида, касаллик ёки ўлим хусусида оғиз очмаслиги,

хизматдан, қариндош-уруғ, биродарларидан нолимасиги керак. Чақирилган меҳмонлардан биронтаси келмай қолса ундан гина қилмаслик керак. Айниқса ғийбатга ўрин йўқ..

Айтилмоқчи бўлган гаплардан яна бири бефаросат мезбонлар ҳам борлигини эслатиб ўтиш. Шундай мезбонлар ҳам борки, уйига келган кишининг қўлига қарашади, бу ерда йўқ одамлардан нолишади, лутфи каромат кўрсатиш ўрнига макданишади, ёки хафалигини юзига солишади.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, баъзан дастурхон устида файз кетади, гап гапга қовушмайди, қандайдир ноқулай вазият пайдо бўлади. Бу ҳолнинг сабаби, кўпинча бир-бирларига хил келмаган меҳмонлар рўпарама-рўпара ўтириб қолганликларидир. Мезбон жуда огир вазифа, ҳар кимнинг кўнглини баробар кўтара билиши керак. Масалан, уйингизга сиз ёқтирмаган ёки таниш бўлмаган шахслар ҳам келиб қолиши мумкин, шунда ҳам сиз меҳмон сифатида хушнудлик кўрсатишингиз, самимий меҳмондўстлик қилишингизга тўғри келади. Бундай меҳмондўстлик бамисоли дурбин деб фараз қиламиз. Дурбин билан узоққа қаралганда ҳамма вақт яқин қилиб кўрсатадиган томони билан қаралади, акс ҳолда бизга кераги бўлмас эди. Шундай экан, меҳмондўстлик меҳмон билан мезбонни бир бирига яқинлаштирадиган, узоққа сўз олдига олиб келиб қўядиган, нотанишларни таништирадиган ажиб бир удумдурки, ҳар бир мезбон бўлрувчи бундан оқилоналик ва усталик билан фойдалана билиши шартдир.

Меҳмондорчиликни уюштиришда ҳисобга олинадиган томонлар шу қадар кўпки, буни толмай амалга ошира олган мезбонларгина умр бўйи ҳормайди. Шаҳардан клшлоққа борган меҳмон эса табиат кучорига ўзини отгиси, далаларнинг яшиллигидан, меваларнинг лаззатидан, сувларнинг зилоллигидан баҳра олгиси келади.

Мезбон ана шу ҳолларни ҳисобга олиши ва ўз юртининг диққатга созовор жойларини азиз меҳмонга таништириши лозим бўлади. Токи меҳмон бу ўлка тўррисида яхши таассурот олиб кетсин. Бир жойдан иккинчи жойга борган меҳмон жуда синчков бўлади. У барча йирик воқеаларнинг, этиборга сазовор нарсаларнинг томошабини бўлибгина қолмай, энг найди, сиз учун сингишиб кетган жуссий нарсаларга ҳам этибор билан назар солиши мумкин.

Тадбиркор мезбон меҳмонни илиқ илтифотлар, шинам хонадонида покиза тузалган дастурхон устидаги анвойи турли таомлар билан силашдан ўзга яна юриш-туришини, урф одатини, яшаётган жойи ва умуман меҳмон қаадам ранжида қилган эл тўррисида яхши таассурот, ижобий фикр, узоқ эсда қоладиган ёқимли хотира ҳосил бўлиши борасида ғамхўрлик қилиши ҳам керак.

Мезбонлик шарафига муяссар экансиз, чидамли, огир ва матонатли бўлинг. Уйингизга бир киши меҳмон бўлиб келган бўлса ҳам, ўнлаб, юзлаб одам чақириб тўй қилаётган бўлсангиз ҳам сира ташвиш тортмаслигингиз керак. Қоидага кўра мезбон учун барча меҳмон бирдай қадрли, бироқ бир мезбон меҳмонлар орасида кексаларга, жамоат орасида обрў қозонган, меҳнати ва билими, истеъдоди ва санъати билан машҳур бўлган аллома ва арбоб кишиларга, қаҳрамонларга, пенсионерларга, умуман халққа хизмат кўрсатган одамларга алоҳида эътибор бериши зарурдир. Бундай одамларни ҳар ким ҳар жойда улурласин учун ҳукумат нишонлар, унвонлар ва ёрлиқлар билан тақдирлаб қўйибди. Уларга яхши илтифот, ширин такалуф кўрсатиш орқали барча меҳмонларни ҳурмат қилган бўласиз.

Хулоса: халқ ғамхўр бўлган кишиларни ҳурмат қилиш

шарафатига лойиқ бўлмоқ, камоли эҳтиром ила кутиб олмоқ яхши мезбонликдир. Меҳмон кутиб толмаган киши, умр бўйи ҳормайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Карим МАҲМУДОВ. «Меҳмоннома». Т.
2. Ҳаёт ИСМОИЛОВ. «Ўзбек тўйлари», Т. 1988.
3. О.Бўриев, Д.Холиқов. Туркона анъана ва удумлар - миллат курки. Т. 1998.
4. М.Муродов. Ўзбек қадриятлари. Т. 1996.

Мавзу: ИНСОНИИ ФАЗИЛАТЛАР ОДОБИ

Режа:

1. Умум инсоний фазилатлар
2. Поклик бу яхши фазилат.
3. Инсон нафосати ва дид-фаросатининг яна бир кўри-ниши
4. Мустаҳкамлаш учун саволлар

УМУМ ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТ; ТОЗАЛИК, ОЗОДАЛИК ВА ПОКЛИК ОДОБИ

Озодалик, тозалик, поклик энг зарур хислатлардан бири. Бу соҳада ҳар бىр миллат (ва халқнинг ҳамма учун умумий ҳамда миллатга хос урф-одатлари бор. Масалан, эрталаб уйқудан тургач, ювиниш одати дунё-даги барча миллат ва элатларда мавжуд. Ҳаммом қилиш, чўмилиш каби одатлар ҳам ер юзининг кўпчилиқ халқларига одат тусига кирган. Дунёдаги барча му-сулмонлар бу ювиниш турларидан ташқари таҳорат оладилар ҳамда ғусл қиладилар. Озодаликка амал қилмоқ, озиқ-овқат, кийим-кечак, яшаш жойни тоза ва покиза сақлаш одамзоднинг саломатлигини таъмин-лашда асосий ўринни эгаллайди.

Покизалик, озодалик бор жойда дил равшан, бу нар-са етишмаган жойда одамнинг табиати хира бўлади. Турли-туман юқумли касалликлар ҳам, парокандалик ва таъби хиралик ҳам ифлосликдан келиб чиқади. Биз-нинг мақсадимиз мустақил ҳаётга тайёрланиб бораёт-ган фарзандларни озодалик ва покликка ўргатишдан иборатдир. Чунки одам боласи кийган кийимидан тор-тиб, яшайдиган ва ўқийдиган, ишлайдиган жойигача то-за ва озода тутса, инсон шахсий озодаликка, покликка риоя қилиб, соч-соқолидан тортиб, тирноғигача ўз вак-тида парвариш қилса, ўз вақтида ювиниб, танасини, аъзоларини покиза сақласагина, бундай одамни одобли инсон деса бўлади. Поклик ҳақида гап кетганда, одам боласининг ташқи дунёсинигина ўйламаслик керак, уларнинг ички дунёси, айниқса, қалби пок бўлиши лозим. Қалби, нияти пок инсонлардан жамиятга, инсони-ятга зарар келтирувчилар бўлмайди.

Аммо унинг ички дунёсини ювиб, тозалайдиган би-рон-бир суюқлик ёки амал йўқ. Инсоннинг ички дунёси унга берилган билим ва тарбияга, имон ва эътиқодга боғлиқ. Иймон-эътиқодсиз қалбни пок деб бўлмайди. Чунки иймонсиз инсоннинг қалби бўм-бўшдир, бундай қалбни янги шудгор қилиб ҳайдаб қўйган ерга ўхшатиш мум-кин. Агар ҳайдалган ерга ўз вақтида бирон-бир ҳосил берадиган уруғ сепмасангиз, барибир ер бўш ётмайди, ҳар хил тикон ва ёввойи ўтлар униб чиқади ва ерни қоплайди. Иймонсиз, эътиқодсиз қалб ҳам бўш турмай-ди, бундай қалбда ҳам ҳар хил ёввойи истаклар, ёвво-йи мақсадлар ўсиб етишади. Натижада бундай одам нафс бандаси, ўз шахсининг талаб ва истакларини адо этиш учун ҳеч нарсадан қайтмайдиган, ҳаётда фақат мен, ўзим бўлай деган тушунча билан яшайдиган одам бўлиб етишади. Бундайлар учун жамият, халқ манфаати тушунчаси ёт, у қандай жойда ишламасин, қандай ишлаб чиқаришда иштирок этмасин, ўзи учун ўмаришни мақсад қилиб қўяди. Бундай одам на худо-дан, на бандадан қўрқади. На ҳалолни, на ҳаромнинг фарқига етмайди. Унинг учун кўнгли тортган нарсга ҳа-лол. Уғрилиқ қилиб, бировни қажшатиб орттирган мо-лу дунёси, порахўрлик ёки фоҳишалик билан топган бойлиги унинг учун ҳузур беради ва бундан завклана-ди. Инсоният учун бундай

одамнинг турган-битгани зи-ён. Бундай одам фақат конун кучидан кўрққанидан, кимнингдир назорати туфайли кўлга тушиб колмаслик-дан чўчиб, эл кўзида меҳнат килади. Биров кўрмайди-ган, гувоҳ бўлмайдиган ҳолат бўлдими, у давлат, эл мулкига чанг солади, ўғрилиқ, порахўрлик, фоҳишалар * каби жирканч ишлар билан шурулланади. Бундай одам учун мамлакат равнақи, инсоният фаровонлиги иккинчи даражали ҳисобланади. Бундай нопок кишилар кўп бўлган жамият ривожланмайди.

Биз юқорида инсоннинг ташки қиёфасини озода ва пок бўлиши сув билан дедик. Уз вақтида ювиниб, ҳам-момда чўмилиб, уст-бошини ювиб, тараб юрадиган одамлар озода инсонлардир.

Мусулмончилик қоида ва талабларига асосан бало-ғат ёшига етган ҳар бир йигит-қиз мўмин-мусулмонлар учун фарз этилган беш шартни, яъни бешта фарзни бажармоғи керак.

Булардан қуйидагилар:

1. Оллоҳга иймон келтирмоқ,
2. беш вақт намоз ўқимоқ,
3. рўза тутмоқ,
4. закот бермоқ,
5. имкониятини қилса, умрида бир марта ҳажга бормоқ.

Мана шу мусулмончилик қоидаларидан бири беш вақт намоз ўқиш, бу биринчи ўринда одамзод танасини, уст-бошларини тоза ва покиза бўлишини талаб қилади. Намозхон мўмин-мусулмон кишилар ювиниш ва покла-нишнинг қуйидаги турларини бажаришлари шарт:

Ҳар маҳал ҳожатхонага кириб нажосат чиқаргач, нажосат чиққан аъзоларини сув билан тозалаб ювмоқ зарур. Бу ювиниш амали озодалик шарти бўлиб, айниқ-са, ички кийимларини ҳидсиз ва нажосат қолдиғисиз озода бўлишини таъминлайди.

Намозхон инсонлар намоздан аввал таҳорат қилади-лар. Таҳорат қилмоқ — тўртта фарзни бажариб ювин-моқдир. Таҳорат қилмоқ қоида ва талабларини диний кўнгобларда ҳамда кирилл алифбоси билан битилган ди-ний таржима китобларида кенг баён этилган. Бу қои-даларни ўрганиб, ювиниб юрмоқ киши дилини равшан, саломатлигини аъло қилади.

Навбатдаги ювиниш қоидаси бу ғуслдир. Ғусл қилмоқ бу покланмоқ демакдир. Ғусл қоидалари юқо-рида баён этилган манбаларда бор. Ғусл балоғат ёши-даги йигит ва кизларда, эркак ва аёлларда уйкуда баъ-зан эротик тушларни кўриб, булғаниб қолгандан сўнг покланиш учун қилинади.

Эркак ва аёл жинсий яқинлик қилганидан кейин, қизлар ва аёллар ҳар ойда тозаланганларидан кейин, туққан аёллар чилласи чиққандан кейин ғусл қилиб покланиб олишлари шарт. Кимки юқоридаги ҳоллардан кейин русл қилмасалар, бундай одам нопок одам, еган-ичгани ҳаромдир.

Ёшлар ҳамма вақт ғусл талаб ишлар бўлиб ўтгач, ювиниб, ғусл қилиб, покланиб юришга одатланишлари зарур. Ғусл қилиш учун сув бўлмаган сахро ёки бошқа жойда бўлса, таяммум қилинади.

Соч-соқол олиб юриш, қўлтиқ ости ва бошқа жой-лардаги мўйларни тозалашга алоҳида эътибор берила-ди. Бу ерда биз соч-соқол, мўйлабларни парвариш қилишдаги тиббий талаблар тўғрисида тўхталмаймиз. Чунки, замонавий тиббиёт бу ҳақдаги етарли адабиёт-лар билан таъминланган.

Соч эркак ва аёлнинг хусн-кўркидир. Эркак ҳам, аёл ҳатм сочларини тўғри парвариш қилиш билан бир қа-торда уни қандай кўринишда бўлишига алоҳида аҳа-мият беради. Узбек миллий урф-одатлар бўйича, айниқ-са, қизларнинг сочига алоҳида аҳамият бериб, унинг парвариши, кўринишига эътибор бериб келинган. Соч узун қизларни орзу қилганлар. Аммо жумҳуриятимизда бошқаларнинг урф-одатларини кўр-кўронасига ўзлаш-тирувчи, айниқса, баъзи қизлар уларнинг таъсирига бе-рилиб, сочларини қирқиб тақлид қилувчилар кўпайди.

Эндиги вазифа ўз миллий одатимизга кўра, қизла-римизни безовчи, қирқ кокил елкасида мавжланувчи қўнғироқ сочларини яна ўрнига қайтариб қўйишга даъ-ват этишдир.

Узбек халқида, айниқса, ўсмирларнинг кўриниши хатти-ҳаракатларида йигитлик хусусиятлари қанчалик меъёрида бўлишига алоҳида эътибор беради. Ўғил бо-ла, бўйи етганидан кейин миллий одатимизга кўра соч-соқол, мўйлаб қўйиш ҳуқуқига эга. Соч

эркакларга мос бўлиши, у қизларнинг сочидек елкага тушиб турмасли-ги керак. Мўйлабнинг бурун ости қисмининг учта бар-моқ энига тенг келадиган қисмининг узунлиги панжа орасига олинганда бармоқ қалинлигидан ортик бўлмас-лиги керак.

Қўлтиқ ости мўйлар, авратдаги мўйларни бармоқ қалинлигидан ортик ўстирмасдан тозалаб туриш талаб қилинади. Бу гигиена нуктаи назаридан ҳам фойдали-дир.

ИНСОН НАФОСАТИ ВА ДИД-ФАРОСАТИНИНГ ЯНА БИР КЎРИ-НИШИ

Инсон нафосати ва дид-фаросатининг яна бир кўри-ниши нафис кийиниш, ўзига оро бериш, яъни пардоз-андоздир. Кийимнинг замонавий, миллий бўлиши йи-гит-қизларга ҳам, эркагу аёлга ҳам ҳусн. Аввало шуни айтиш керакки, одамни одам қилиб кўрсатувчи нарса либосдир. Лекин нима дуч келса, унга қизиқиб, мода орқасидан кува бериш одобсизлик саналади. Одам кў-ча-кўйда, тўй-томошада, меҳмонда, дам олишда, ишда, меҳнат палласида ҳар бир мавсум ва муҳитнинг ўзига мос келадиган либоси билан кийиниши керак. Айниқса, мактаб ўқувчилари мактабда, асосан ўқувчилар форма-сини кийиб юришлари лозим.

Мактаб формаси мактабда ўқувчиларнинг ва ота оналарнинг биргаликдаги йиғилишида ўқувчиларнинг дидига қараб, айниқса, юқори синф ўғил-қизларининг таклиф ва истакларини ҳисобга олиб танлаш яхши на-тижа беради. Агар катта ёшдаги ўқувчилар дўконга чиқарилган ўқувчилар кийимини ёқтирмасалар, улар ўзлари танлаган мато билан ўзлари танлаган нусхада умумий буюртма бериб тиктиришлари мумкин. Аммо ўқувчимиз шуни тушуниб олиши керакки, нега мактаб кийимини кийиш шарт, бу конун қаердан чиққан, ҳар ким истаганини кийиши керак, деган фикрлари но-ўриқдир. Бунинг бир сабаби бор. Агар мактабга ҳар бир ўқувчи ўз хоҳлаганини кийиб келгудай бўлса, баъзи камдаромад, кўп болали оилаларнинг фарзанд* лари ўқсийди. Ота-оналаридан шундай аҳволда яша-ганлигидан норози бўлиши мумкин. Ахир мактаб, тўй, театр эмас, мактаб бу ўқувчининг машаққат билан меҳнат қиладиган, яъни илм оладиган масканидир. Ҳали юқорида айтдик, ҳар қайси мавсум ва муҳитнинг ўз либоси бор. Шунга амал қилмоқ даркор. Одамнинг гўзаллиги фақат унинг ташқи кўринишида эмас. Бе-фаросат, бетамиз одам ҳар қанча кийинса ҳам у ўз-гариб, тамизли ва фаросатли бўлолмайди. Доно хал-қимиз фаҳм-фаросатли, одобли инсонни фақат янги кийимдан эмас, унинг кийиниш маданиятидан яхшиги-на ажратиб оладилар. Айниқса, ёшига, жинсига қараб кийинмаслик бу ўта беодобликдир. Баъзан қизлар шим кийиб, сочларини қирқиб эркакча кийинадилар, баъзи йигитлар эса сочини елкагача тушириб, бўйнига мунчоқ, қулоғига сирға такадилар. Бу ярашмаган қи-лиқ. Бунинг ўрнига қизларимиз йигитлар кўзига ҳаё-ли, иффатли, назокатли бўлиб кўринадиган, уларнинг ҳурматини қозанишга, муҳаббатига эришишга ҳара-кат қилмоқлари керак. Йигитлар ўзларининг ташқи кўриниши, жасурлиги, мардлиги, одоб ва ахлоқи, би-лимли, маданияти билан қизларга ёқимли кўриниш-лари, уларнинг муҳаббатларини қозонишлари лозим. Йигитга ҳам, қизга ҳам энг гўзал кўриниш, бу одоб-ахлоқ, ҳаё ва иффатдир.

Иффатли аёллар, турмуш қурган аёллар урф-одат-ларимизга кўра, диний талабларга кўра, тақинчоқ-лар ва турли чиройли кийимларни, пардоз-андозлари-ни ўз жуфти ҳалолига гўзал ва чиройли кўриниши учун, ёқимли ва латофатли бўлиш учун қилмоғи керак. Кў-ча-кўйда бегона эркаклар диққатини жалб қилиш, уларнинг кўзига зебо кўринишга уриниш, айниқса эркак-ларнинг ҳирсини кўзгаш учун атайлаб кўчага, жамо-ат жойларига тор, танага ёпишиб турадиган айрим ёнлари очик либосларни кийиш, бу — гуноҳдир. Қад-риятларимиз топталиб, бегона ва бизнинг урф-одатла-римизга тўғри келмайдиган ва сукилиб кирган урф-одатларга айрим хотин-қизлар жуда ортикча берилиб кетмоқдалар. Натижада, кўчада пардоз-андоз билан, уйда эса безътиборлик, пала-партишлик билан юрувчи аёллар ўз жуфти ҳалолининг диққат-эътибори билан ҳисоблашмасликлари туфайли ҳатто оилада совуқчи-лик тушишига, айрим ҳолларда эса ажрашиш ҳоллари содир бўлмоқда. Бу билан биз аёл ўз уйида пардоз-андоз қилиб, кўчада безътибор бўлсин демоқчимас-миз. Аёл ҳамма ерда гўзал бўлиши керак. Аммо ўша гўзал кўринишнинг энг гўзали, энг тенги йўғини ўз жуфти ҳалолига ҳадя этишни маслахат бермоқчимиз. Қўпинча эркак киши ишдан қайтганда, кўчадан кир-ганда оилада ўз рафиқасини кўчадаги аёллардан ўн чандон гўзал кийинганини, ювиниб-таранганини, озода ва латофатли бўлишини истади.

Эркак кишиларда кўчада ниҳоятда эътибор билан, оилада эса бепарво, ҳатто

соқолларини олмасдан, кир-моғор либослар билан юриши аёл кишининг табиати-ни ланж қилади. Эркак ҳам, аёл ҳам бир-бирига, яъни ўз жуфти ҳалолига гўзал кўринмоғи керак. «Онангни отангга бепардоз кўрсатма» мақолининг бир томони ана шу ҳолатларни ўз ичига олади.

Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ Агар кимда бу икки сифат бўлмаса, унда иймон ҳам йўқ. Агар ким-да иймон бўлмаса, унда одамийлик ҳам йўқ.

А. Навоий

Инсонда доимий турадиган ҳусн ва латофат ҳаё ила ифбатдир. Ҳаёсиз юз жонсиз жасад кабидир.

Абу Али ибн Сино

Узига оро бериш, пардоз-андоз қилиш, бўёқларни юзларига ортиқча чаплайвермаслик, ҳамма нарсадан нафосат талаблари асосида нозик дид билан фойдаланган ҳолда ораста ва зебо бўлиш керак.

Ортиқча қилинган пардоз-андоз кўпчилик орасида ноқулайликка олиб келади. Аксинча, ўзига қарамас-лик, пала-партиш кийиниш ҳам ҳамма учун номуно-сибдир.

Мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Озодалик ва поклик юзасидан ўзбекона урф-одатлар, одоб ва ахлоқ қоидалари қандай?
2. Ювиниш қоидалари қандай? Бу қоидаларнинг тиб-бий асослари нималардан иборат?
3. Совуқ сувда нега мустаҳаб қилиш тавсия этилмайди?
4. Ҳаммомга тушиш фойдаси нима? Ювиниш одоби қандай?
5. Сбч-соқол ва шу соҳага дахлдор жойларни парвариш қилиш одоби нималардан иборат?
6. Пардоз-андоз қандай бўлиши керак?
7. Либосга кўйилган одоб талаблари нималардан иборат?
8. Қиз бола ва йигитнинг энг яхши беағи нима? Ҳаётий мисоллар келтира оласизми?

Адабиётлар рўйхати

1. Э. Юсупов, Х. Исмоилов. «Инсон баркамоллиги», «Ўзбекис-тон», Тошкент 1990. 35- бет.
2. Балкиз Аладдин. «Муҳаммад қиссаси». «Сирли олам» 5-тўплам, тўпловчи: Комил Холмуҳамедов, «Ёш гвардия» 1989'. 195-бет.
3. Т. Қурбонов “Одобнома” 9- синф учун дарслик. Тошкент “Уқитувчи” 1995 .
4. Карим Маҳмудов.« Меҳмоннома», 166—167- бетлар. 3—76